30 АВГ 1991
ЛАНБА

Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, САФАР, 15-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, СУМБУЛА, 10-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 28 август, чоршанба 165-сон | НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Конституциясига ва «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунига асосланиб, Ўзбекистонда демократик ўзгартишларга янги омил бағишлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон ССР ҳудудида фаолият кўрсатаётган ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармалар, уларнинг бўлимлари ва корхоналари партия тасарруфидан чиқарилсин.

2. Бундан буён юқорида кўрсатилган уюшмалар, жамиятлар ва жамғармаларда сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг ташкилий тузилмаларини барпо этишга йўл қўйилмайди, деб белгилаб қўйилсин.

Мазкур фармон имзоланган пайтдан кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 27 август.

М. С. ГОРБАЧЕВ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

МОСКВА. СССР Президенти М. С. Горбачев эрталаб Кремлда республикаларнинг раҳбарлари билан учрашди. Мамлакатда содир бўлган давлат тўнтариши муносабати билан вужудга келган вазиятга алоқадор масалалар диққат марказида бўлди.

М. С. ГОРБАЧЕВ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Ҳокимият тўғрисидаги масалани ҳал этиш, мавжуд тузилмалар имкониятларини ишга солиш, янгиларини тузиш, шунингдек кадрлар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш Москвада очилган СССР Олий Кенгаши навбатдан ташқари сессиясининг асосий якуни бўлиши керак. СССР Президенти М. С. Горбачев Россия телевидениеси мухбири билан душанба куни қилган суҳбатида шуларни айтди. У кадрлар танлаш масаласида хатога йўл қўйганини тан олди.

Президент парламентнинг 18—21 август воқеаларидаги роли ҳақида гапирар экан, фавқулодда ҳолат рўй берган тақдирда бир-бир ярим кун мобайнида депутатларга Москвада йиғилиш имконини берадиган конституциявий воситани вужудга келтириш зарурлигини таъкидлади. Россия парламентининг аъзолари худди шундай қилдилар.

Совет давлатининг бошлиғи марказ билан республикаларнинг тузилмалари ўртасидаги ҳамжиҳатлик иштиқоллари тўғрисидаги саволга жавоб берар экан, «Россия командаси» — Б. Н. Ельцин, И. С. Силаев, Р. И. Хасбулатов билан ҳамкорлик ривожланиб бораётганига эътиборни қаратди. Унинг сўзларига қараганда, бу ҳамкорлик амалий ва самарали бўлмоқда.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ АНИҚЛИК КИРИТДИ

27 август куни чиққан баъзи газеталарда СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида раҳбарлик қилиш СССР Олий Кенгаши Иттифоқ Кенгашининг раиси И. Д. Лаптевга топширилди, деган хато хабар эълон қилинди.

Шунга эътиборни жалб қиламизки, СССР Олий Кенгаши аъзоларининг 26 август кечқурунги мажлисда қабул этилган қарорига биноан сессия ишига раҳбарлик қилиш СССР Олий Кенгаши палаталарининг раислари И. Д. Лаптев билан Р. Н. Нишоновга топширилган.

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли Олий Кенгаш аъзолари!

Мен аввало СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съездини зудлик билан чақириш тўғрисида Олий Кенгаш қабул этган қарорни қўллаб-қувватлайман. Чунки муаммонинг ўзи ҳам, шу давр ичида, ўтган кунларда биз бошдан кечирган ҳамма воқеалар ҳам, қабул этилиши лозим бўлган қарорлар ҳам аслида, Съезднинг ишидир. Бу — биринчиси.

Сизларнинг муҳокамангизга Россия Федерацияси Олий Кенгашининг депутатларини ҳамда бошқа республикалар парламентларининг вакилларини шу Съездга таклиф қилиш тўғрисидаги таклифни киритаман.

Съездгача қолган кунларда мен халқ депутатларидан ўз комиссияларида, комитетларида, қолаверса ўз фракцияларида ва, албатта, палаталарнинг мажлисларида, буёғи ўз ихтиёрингизда — бизда содир бўлган ҳамма воқеаларнинг, нега шундай бўлганини ва бундан қандай сабоқлар чиқариб олиш лозимлигини атрофлича муҳокама қилиб, пухта ўйлаб чиқишларингизни сўрайман. Гап бу мавзуда фалсафа сўқиш ҳақида бораётгани йўқ, балки биз бошдан кечирган ҳамма воқеаларни аниқ ва юз хотирсиз таҳлил этишга таянадиган аниқ-равшан сиёсий ва амалий ҳаракатлар ҳамда қарорлар ҳақида бормоқда.

Табиийки, Съездгача қолган кунларда сиз билан биз қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Сирасини айтганда биз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаракат қиляпмиз. Биз Олий Кенгашга Вазирлар Маҳкамасига ишонч тўғрисидаги масалани киритдик, чунки Вазирлар Маҳкамаси ўша кунларда ўзининг конституциявий вазифасини бажармади. Унинг баъзи аъзолари эса тўнтаришда бевосита қатнашди. Армияни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини ва бошқа давлат маҳкамаларини партиялардан холи қилиш ҳақида фармон қабул этилди. Армияда, Давлат хавфсизлиги комитетида, Ички ишлар вазирлигида фитначиларнинг режаларини амалга оширишда уларга фаол қўмаклашган асосий шахслар лавозимларидан олиб ташланди. Тўнтариш ташкилотчиларининг хатти-ҳаракатларини СССР ва РСФСР Прокуратуралари биргаликда текширмоқда. Бу идоралардаги энг муҳим лавозимларга янги кишилар тайинланди.

Мен баёнот бериб, КПСС Марказий Комитети Бош котиби вазифасини ўз зиммамдан соқит қилганим ва партия Марказий Комитетига ўзини ўзи тарқатиб юборишни таклиф қилганим сизларга маълум. Бундан буён ҳам Съездгача мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш, ўч олишни кучайтиришга йўл қўймаслиги лозим бўлган мана шундай чора-тадбирлар амалга оширилавериши табиий, бу йўл қатъият билан ўтказилади.

Маъруза қилиш учун, эҳтимол, сиз билан биз ҳали жуда кўп нарсаларни пухта ўйлашимиз ва маслаҳатлашиб олишимиз керак бўлади, — мана шу нутқимда эса ҳозирги вазият билан боғлиқ бўлган баъзи бир жиҳатлар ҳақида ҳамма гапни айтиб ўтмоқчиман.

Ҳурматли халқ депутатлари! Тўнтариш очиқ ҳавода мамоқалдироқ бўлганидек тўсатдан содир бўлмади. «Ўнглар»нинг матбуотдаги ва Марказий Комитет Пленумларидаги жазавали нутқлари ҳам, айрим генералларнинг, жумладан халқ депутатлари Съезди минбаридан айтган иғвогарона гаплари ҳам, партия-давлат тузилмалари кўпгина қайта қуриш руҳидаги қарорларни бажаришга ошкора тўсқинлик қилганликлари ҳам шундан дарак берар эди. Хуллас, фитна етилиб келаётган эди.

Шу сабабли конституциявий тузумни ҳимоя қилиш мақсадида кечиктирмай чора тадбирлар кўриш учун жуда етарли асослар бор эди. Бироқ, гарчи бу хуружлар эътиборсиз қолдирилмай, уларга турли шаклларда, шу жумладан матбуотда, Пленумларда, бу ерда, Олий Кенгашда ҳам баҳолар ва зарбалар берилган бўлса ҳам, конституциявий тузум ҳимоя қилинмади. Ҳар ҳолда, қатъий ҳаракат қилиш ўрнига бамайлихотирлик ва кўнгилчанлик қилинганини тан олмоқ керак. Бу аввало менга тегишли деб биламан. Бу биринчи ўринда турган сабоқдир.

Демократияга ҳамла қилиш, мамлакатни куч ишлатиб тоталитаризмга қайтаришга уринишга имкон бериб қўйган бундан ҳам муҳимроқ сабаб бор. Бу — демократик ислоҳотларни ўтказишдаги қатъиятсизлик ва ноизчилликдир. Айниқса қайта қуриш етилиб келаётган тузилмаларда шундай бўлди. Бу нарса фақат менинг айбим эмас, балки ҳаммамизнинг, СССР Олий Кенгашининг, партия, ҳукумат раҳбар идораларининг ҳам айбидир. Бизнинг яхши ниятларимиз, дурустгина таърифлаб берилган мақсадларимиз ва режаларимиз кўп жиҳатдан амалга оширилмайдиган бўлиб чиқди, чунки аввалги ҳокимият механизми тубдан ўзгартирилмади. Бу ўринда мен партия тузилмалари билан бирикиб кетган ва мутлақо ўзгаришсиз сақлаб қолинган давлат аппаратини ҳамда сталинизмга ва у билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларга содиқ қолган, ҳеч бўлмаганда сталинизмдан кейинги ғояларга этиқод қўйган ходимлар, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган ходимларга нисбатан муросасизликни ҳам назарда тутаяпман.

Биз иқтисодиётда узоқ вақт иккиланиб турдик ва шу пайтга қадар ҳам қатъий демократик ўзгартиришларга чинакамига киришмадик. Бу эса мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир қилди. Фитначилар бутун аҳоли турмушидаги қийинчиликлардан фойдаланиб қолмоқчи бўлдилар, буларнинг ҳаммаси — бизнинг воқелигимиздир. Халқ катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда ва оғир машаққатларга дуч келмоқда: турмуш даражаси пасайиб кетди, шахсий хавфсизлик йўқ, жиноятчи унсурлар ҳаддидан ошиб, кўнгилга ёққан кўчага кириб кетмоқдалар.

Демократик, ҳақиқий қайта қуриш кучлари қандай тусда бўлмасинлар, улар ўртасида тотувликка эришилмади; бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинмади. Бизни асли айни бир хил мақсадларни кўзловчи кишилардан ажратиб қўйишди. Баъзан бизни сиёсий курашнинг турли томонларига ўтказиб юборишга мувоффақ бўлдилар. Демократия ихлосмандлари, демократик оқимлар ўзаро бош уриштириб, сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолишлари янги йўлга қарши чиқаётганларга, мамлакатимиздаги ислоҳотларни ёқтирмовчиларга энг катта совға эканини мен бу ерда ҳам, Пленумларда ҳам, бошқа жойларда ҳам неча марталаб айтган эдим. Ҳамманинг, хусусан демократларнинг ғалаба қилиш олисни кўра олмасликлари ва масъулиятни зиммага олмасликлари ҳам таъсир қилди.

Қуролли Кучлар тегишлича конституциявий назоратсиз қолди. Армия ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Ҳа, фитначилар ўз жиноий режаларини охиригача амалга ошира олмадилар — армияни ўз халқига қарши ташлай олмадилар. Фитначилар иккита жуда катта хатога йўл қўйдилар: улар халқни тўдадек билиб, уни ҳар қандай йўл билан лақиллатиш, уёққа ёки буёққа ҳайдайвериш аввалгидек мумкин, деб ўйладилар. Бу ибора учун узр сўрайман, аммо уларнинг фикри мана шундай эди. Мамлакат эса энди аввалгидек эмас. Уларнинг энг катта хатоси мана шу бўлди. Модомики мамлакат аввалгидек эмас, халқ ҳам аввалгидек эмас экан, демак армия ҳам аввалгидек эмас эди, чунки армия халқнинг бир қисмидир. Ҳатто фавқулодда ҳолатлар учун, тўғри бошқача фавқулодда ҳолатлар яъни хавфсизликни ҳимоя қилиш, терроризмга қарши кураш ва шу кабилар учун тайёрлаб қўйилган махсус қисмлар ҳам халққа қарши боришдан бош тортишди. Улар трибуналга берилишига, отиб ташланишга тайёр эдилар-у, аммо бу талабларни бажармадилар: улар ҳарбий-ҳаво кучларидан ҳам мадад ололмадилар. Бунинг нималигини яхши биласизлар: улар қўлида учта самолёт бўлганида ҳам ҳамма нарсани вайрон қилишлари, тўнтаришга қаршиликни раҳбарсиз қолдиришлари учун етарли бўлар эди. Ҳарбий десантчи қўшинлар ҳам уларнинг талабларини бажармадилар. Ҳатто улар шаҳарга киритишга мувоффақ бўлган кучлар ҳам халққа қарши бормади. Фитна барбод бўлганлигининг бош сабабларидан бири мана шудир.

Ҳар ҳолда, мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи томонидан тасдиқланмай туриб, Москва ва Ленинград кўчаларига кўп миқдордаги қўшинлар, танкларни, бошқа зирхли техникани киритишнинг иложи топилди. Бу факт яққол кўринib турибди, демак бизнинг механизмимизда яхши тартиб йўқ.

Давлат хавфсизлиги комитетини қайта қуриш зарурлиги яққол кўринib турса ҳам, бу иш амалга оширилмади. Тўғри, Давлат хавфсизлиги маҳкамасининг ходимлари чегараларни қўриқлаб, разведка ва контрразведка ёрдамида давлат манфаатларини ҳимоя қилиб туришибди. Комитет айни шу иш билан шуғулланмоғи керак. Бироқ шу билан бирга — ҳатто жамиятдаги чуқур демократик ўзгартишлар шароитида ҳам — у ҳамон аслида сиёсий кураш воситаси сифатида у ёки бу тарзда сақланиб қолди.

(Давоми иккинчи бетда).

БИЗНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИМИЗ— ҲАЛОЛ ВА ОШКОРА

СССР Олий Кенгаши сессиясида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раиси ўртоқ Ш. М. ЙЎЛДОШЕВ нутқи

Ҳурматли халқ депутатлари!

Тоталитар империя амалда барҳам топди. Бугун ўзига доғ туширган, бадном бўлган, қатъий марказлаштирилган унитар давлатга қайтиш йўли йўқлиги ва бўлмаслиги ҳар кимга ҳам яққол аён. Бунинг учун бу ерда россияликлар, айниқса, москваликлар билан ленинградликлар шаънига кўпгина нотиқлар айтиб ўтган миннатдорчилик сўзлари уларнинг фуқаролик мардликлари, демократик ғояларга садоқатлари биз ҳаммамиз чин юракдан билдираётган эътирофимизда ифодадир.

Сизларнинг кўпчилигингизга маълумки, айни Ўзбекистон, қолаверса, Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари тоталитар тартибдан айниқса кўп жафо кўрди ва кўп нарса йўқотди, мамлакатнинг хом ашё етиштириб берадиган бўлтагига айланиб қолди. Бу ҳол баъзи бировларга аллакимларнинг аллақандай боқимандаси деб оғиз кўпиртиришига туртки бўлди. Ўзбекистон халқлари меҳнатсевар эканлигига ва бой ресурсларга эга эканлигига қарамай энг оддий иқтисодий ва ижтимоий кафолатлардан маҳрум бўлиб қолдилар.

Марказнинг «доно» раҳбарлиги остида «нурли истиқбол» қуриш якунлари ана шундай бўлди. Республика ҳокимияти олий идораларининг раҳбарлари хонанишин амалдорларнинг кўрсатмаларини бажаришга мажбур бўлдилар, КПСС Марказий Комитетининг аксарияти республикани амалда мутлақо билмайдиган, бу минтақанинг ўзига хос хусусиятларини, халқнинг тарихий меросини тушуниб етмайдиган, ишни бу ерда тарих гўё бор-йўғи 70 йил муқаддам бошланган ва Ўлкамизнинг келажаги улар учун мутлақо фарқсиз бўлган масъул ходимлари билан бўладиган учрашувлардан безиллаб турардилар.

Айни шунинг учун ҳам республикамизда кимнинг тарафида бўлиш керак деган муаммо туғилмади. Ҳамма машъум фавқулодда ҳолат давлат комитети тарихан боши берк кўчага, ҳўрлик келтирувчи ўтмишга олиб борадиган йўл эканлигини аниқ тасаввур этарди. Ҳар қандай ҳолда ҳам қатъий интизом, тартиб ва уюшқоқлик асосида демократик ўзгаришларни давом эттиришгина омон қолишимиз учун чинакам имконият яратиб беради, эртанги кунга йўл очади.

Ўзбекистон Президенти ўртоқ И. А. Каримов ва республиканинг бошқа раҳбарлари Ҳиндистон сафаридан қайтганлари ҳамон, 19 август кечқурун Тошкент шаҳрининг фаоллари билан учрашиб, қатъий равишда ўз нуқтаи назаримизни айтдилар: биз Марказдан кимнингдир бўлмасин қонунга хилоф кўрсатмаларини бажариш мумкин эмас, деб ҳисобладик.

Эртаси куни, яъни 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма мажлисида мустақилликка эришиш йўлимиз ўзгармас эканлигини тасдиқловчи баёнот қабул қилинди. Республика раҳбарларининг ана шу кунлардаги барча амалий қадамлари Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, СССР Конституцияси ва қонунлари асосида амалга оширилди.

Бундан ташқари, республика аҳолисига 20 августдаги мурожаатда Президент очиқдан-очиқ айтдики, турли ижтимоий сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларни ҳал этиш учун куч ишлатиш, энг аввало ҳарбий куч ишлатишга қаршимиз. Президентнинг фармони билан фавқулодда ҳолат комитетининг ғайриконституциявий ҳуқуққа қарши қарорлари ва бошқа кўрсатмалари ноқонуний деб эълон қилинди. Бизнинг позициямиз ҳалол ва ошкора бўлди, деб ҳисоблаймиз. Биз халқдан ҳеч нарсани яширмадик ва сиёсий ирвогарликларга учмаганлиги, сабр-бардошли бўлганлиги, мулоҳаза билан иш тутганлиги ва аниқ меҳнат маромини сақлаганлиги учун ундан миннатдормиз.

Тўғри, коммунистик ёшлар уюшмасидан депутат Охунов, у бу ерда моҳият эътибори билан олганда Ўзбекистон сайловчиларининг биронтасининг ҳам номидан вакиллик қилолмайди, негадир кейинги вақтларда ўз жонажон республикасининг демократик асосда ва қонунан сайлаб қўйилган раҳбарлари шаънига иғво ҳамда буюртма асосидаги уйдирмалар ёғдиришга ихтисослашишга аҳд қилган, Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволдан бехабар, чунки шу кунларда у бу ерда эмасди, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари эса, ўзингиз биласиз, чекланган-дир.

Республиканинг истиқболи, қайси миллатга мансуб эканлигидан, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир аҳолининг фаровонлиги ва эртанги кунга ишончи биз учун энг муҳимидир. Ҳар қанақа чиқимдан қочмасликка тайёр турган олий мақсадимиз шу. Фуқароларнинг тинчлиги, миллий тотувлик, тўла иқтисодий эркинлик шароитида қаттиқ тартиб-интизом ва энг муҳими бундай сиёсатни халқ қўллаб-қувватлаётганлиги республика ана шу мақсадлар сари шаҳдам боришига имкон беради, деб ўйлайман.

Ана шу оғир, таҳликали кунларда Ўзбекистон бошқа республикалар олдида олган мажбуриятларига мувофиқ шартнома асосида ўз маҳсулотларини барқарор етказиб беришни таъминлаётганлигини эслатиб ўтиш зиён қилмайди, ўртоқлар.

Мен биргина мақсадни кўзлаб, август воқеаларидангина эмас, балки умуман фожиали ўтмишимиздан сабоқ чиқариб олиш зарурлигига эътиборларингизни яна бир бор қаратиш учунгина бу фактларга бир мунча муфассалроқ тўхталган бўлсам эҳтимол. Ана шу асосда, депутат Собчак жуда тўғри даъват этганидек, ҳис-ҳаяжонларга берилмай вазминлик билан, даврнинг тарихий масъулиятини инобатга олган ҳолда истиқболимиз масаласини ҳал этиш лозим.

Эртанги кунни биз қандай тасаввур этамиз? Бошқа республикаларнинг вакиллари бу ерда айтиб ўтган кўпгина таклифларга қўшиламиз. Уларни такрорлаб ўтирмай, назаримизда, баҳс-мунозара юритилаётган бир қанча муҳим масалаларни таъкидлаб кўрсатишни истардим.

Биринчидан. Биз мустақил давлатлар Иттифоқини сақлаб қолиш зарурлиги тўғрисидаги ўз нуқтаи назаримиз ўзгармас эканлигини яна бир карра таъкидлаймиз. 94 фоизи Ўзбекистоннинг янгиланган Иттифоққа киришини ёқлаб овоз берган кўпмиллатли республика аҳолисининг хоҳиш-иродаси ана шундай.

Иккинчидан. Бизнинг иттифоқимиз эндиликда чинакам тенг ҳуқуқлилар иттифоқи бўлиши, у ҳеч бир ҳолда республикаларнинг суверен ҳуқуқларини камситмаслиги керак. Республика Президенти ИИВ ва ДҲК органларини Ўзбекистон ССР-нинг ихтиёрига ўтказиш ҳақида, шунингдек бу органларни, Туркистон ҳарбий округи қисмларини, республикада жойлаштирилган ички қўшинларни ва адлия органларини партиядан ҳоли қилиш ҳақида фармон чиқарди. Яқин кунларда, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилади. Афтидан, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини тайёрлаш чоғида кун тартибида фақат бизнинг республикамиз эмас, балки бошқа республикаларнинг ҳам ана шундай қонун ҳужжатларини эътироф этишни назарда тутиш керак бўлади. Шундай қилинса, сиз билан бизни, одамларни тўлқинлантириб турган кўпгина масалалар олиб ташланган бўлур эди. Шу билан бир қаторда биз батамом ажралиб, барча иттифоқ органларини тугатиш, ҳар бир республикада ўз армиясини тузиш ва шунга ўхшаш таклифларни мутлақо қабул қилмаймиз. Бундай таклифлар аслини олганда бизлар ҳаммамиз пировардида ўз миллий хонадонларимизга тарқалиб кетишимизга қаратилгандир. Бундай қилиб бўлмаса ҳам керак? Масалан, Ўзбекистон том маънода Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон билан ҳудуди, манфаатлари, минглаб йиллик хилма-хил алоқалари орқали чамбарчас боғланиб кетган. Бинобарин, улар ўртасида чегара ўрнатиш — тирик жонни ўлдириш билан тенг. Бутун Иттифоқнинг ягона мудофаа системасини, умумий чегараларимизни, умумий иқтисодий майдонимизни сақлаб қолиш — бу янги ижтимоий ларзалардан муҳофаза қилиш имконигина бўлиб қолмай, балки сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилган бўлажак ҳамкорликка асос солиш имкони ҳамдир.

Учинчидан. Ўртоқлар, Иттифоқ шартномасини мумкин қадар тезроқ имзолаш керак. Албатта, 20 августда имзолаш режалаштирилган шартнома лойиҳасини ҳозир анча ўзгартириш талаб қилинади. Аввало республикалар Марказга берадиган ваколатларни анча чеклаш ва республикаларнинг сиёсий ва иқтисодий суверенитети, уларнинг давлат мустақиллиги амалда ҳимоя қилинишини таъминлайдиган кафолатлар комплексини яратиш керак. Аслини олганда, фитначиларнинг нияти республикаларнинг, улар президентларининг мустақил сиёсатига қарши қаратилган эди. Фитнанинг асосий зарбаси Россия раҳбариятига қарши қаратилганлиги тасодифий эмас.

Тўртинчидан. Албатта, аниқ айбдорлар жавобгарликка тортилиши керак ва бу ҳол эҳтимол тарих ғилдирагини орқага буриб юборишга умид боғлаётган барча кишиларга сабоқ бўлмоғи лозим. Лекин покланиш жараёни бошқача фикрлайдиган барча кишиларни асоссиз, қутуриб таъқиб қилишга айланиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай қилиш нималарга олиб келишини биз ўз тарихимиздан биламиз. Россияда бир гап бор: ўрта асрларда бўлган «ёвузларни овлашдан», шахсий ўч олишдан, тор гуруҳнинг даъволарини ноҳақ усуллар билан қондиришга уринишлардан худо асрасин. Бундан ташқари, биз шу йўлга тойиб кетсак, демократиялашнинг жараёнининг ўзини жиддий суратда обрўсизлантириб қўямиз, ҳуқуқий давлатнинг эндигина ниш урган куртакларини ўз қўлимиз билан эзиб ташлаган бўламиз.

Минг афсуски, биз яқин орада мамлакат раҳбарлари орасида ўз жонига қасд қилганлар сони жиҳатидан дунёда биринчиликни олсак керак. Бу ҳақда сўзга чиққан ўртоқлар айтишди. Бу ҳол уларнинг яқин кишилари учунгина эмас, балки барча соғлом кишилар учун ҳам фожиадир. Коммунистик партия ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг принципсиз, қўрқоқ марказий раҳбарларининг юз минглаб ҳалол, мамлакат ва халқлар тақдири учун чинакам қайғурадиган коммунистларга ҳеч бир алоқаси йўқ.

Ўртоқлар, сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, кеча бу ерда Олий Кенгаш, унинг ҳақиқий ҳаётдан узилиб қолган ва ўзларини республикаларнинг парламентларига қарама-қарши қўйиб, «қонунлар уруши»ни келтириб чиқарган ва шу тариқа сиёсий фитначиларга қулай шароит яратиб берган раҳбарлари асосли суратда танқид қилинди. Бироқ Олий Кенгашни тарқатиб юбориш ҳақида гапиришга ҳали эрта бўлса керак. У Иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар ва унинг асосида янги парламент, бошқа иттифоқ органлари тузилгунга қадар ўз вазифаларини бажариб туриши керак.

Хуллас, ҳурматли депутатлар, агар биз амалий ишобий, такрор айтаман, ишобий ишлар билан шуғулланмасак, бузилиб кетган хўжалик алоқаларимизни йўлга қўймасак, мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи парчаланиб кетишига йўл қўйсак, очарчилик ва қаҳратон қиш ҳақиқатга айланиб қолади.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИНИНГ КУН ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида.

2. Рўй берган давлат тўнтариши муносабати билан мамлакатда вужудга келган вазият ҳақида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг ахбороти.

3. 1991 йил 18 августдаги ва шундан кейинги кунлардаги воқеаларда СССР Олий Кенгаши, унинг айрим комитетлари ва комиссияларининг, СССР бошқа давлат идоралари ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар раҳбариятининг ролини баҳолаш ҳақида.

4. СССР Вазирлар Маҳкамасига ишонч ҳақида.

5. 1991 йил 18-21 августда содир бўлганига ўхшаш воқеалар такрорланиши имкониятини истисно қиладиган биринчи ғаддаги чора-тадбирлар ва қонун ҳужжатлари рўйхати ҳақида.

6. Давлат тўнтаришининг сабаблари ва ҳолатларини текширувчи парламент комиссиясини тузиш ҳамда республикаларнинг парламентларига мана шундай комиссиялар тузиш ҳақида тавсиялар бериш тўғрисида.

7. СССР Олий Кенгашининг аппаратини шошилинч қайта тузиш зарурлиги ҳақида.

СССР Олий Кенгаши бошқа масалаларни ҳам кун тартибига киритиш мумкинлигини назарда тутди.

СССР Олий Кенгаши
Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Олий Кенгашнинг воситаси иш бермай қолган экан, Вазирлар Маҳкамасининг кўпгина аъзолари фитна қаршисида шармандаларча ночор ва қўрқоқ бўлиб чиққан эканлар. Қуролли Кучларга бошчилик қилувчи ташкилотларнинг раҳбарлари орасида давлат тўнтариши қилишдан қайтмайдиган кишилар турган экан. Президент сифатида мен бунинг учун кўпроқ, аниқроқ қилиб айтганда, ундан ҳам кўпроқ масъулдирман.

Шу кунларда мен кўп нарсани қайта идрок этиб, қайта ўйлаб чиққаним учун шу гапни айтаяпман. Сиз билан бизнинг бошимизга тушган бу фожиадан мен хулосалар чиқариб олдим.

Мени бошқа мамлакатга келиб қолди, демоқдалар. Бу гапга қўшиламан. Бунга яна шуни ҳам қўша оламан: Қримдан бошқа мамлакатга қайтиб келган киши ҳамма нарсага — ўтмишга ҳам, бугунги кунга ҳам, истиқболга ҳам энди бошқа кўз билан қараяпти. Ҳар ҳолда мен, Президент бўлиб турар эканман ислоҳотларни ўтказишда ҳеч қандай иккиланишларга, пайсалга солишларга йўл қўймайман. Тил топишнинг иложи бўлмаган ва бундай қилиш жоиз ҳам бўлмаган кимсалар билан бундан буён муроса ҳам қилинмайди. (Қарсаклар).

Мен сизнинг қарсакларингизни бундай тушунаман: ҳа, шундай ҳолатлар бўлган эдики, мен муроса қилмаслигим керак эди. Шу билан бирга айтишим керакки, биз қилаётган ҳамма ишлар демократия доирасида бўлиши ва қон тўкилмаслиги менинг энг катта истагимдир. Мен доимо шу фикрга амал қилдим — ҳатто қатъий чоралар кўриб, айни мамлакатни фалокатга йўлиқтириши мумкин бўлган мана шундай тўнтаришларга йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўриш керак бўлганида ҳам муросага келиш йўлларини излаган эдим.

Ислоҳотлар жараёнининг шу қадар машаққатли бораётгани ва халқ турмушига оғир таъсир этганлигининг сабаби бор. Бу ҳокиммиятга партия яккаҳокимлиги, партиявий-бюрократик тузилмаларни йўқотишда сусткашлик қилингани билан боғлиқдирки, бу тузилмалар кўп жиҳатдан аввалги тартибдан «мерос» бўлиб қолгандир. Марказий Комитет Пленумларида демократик ўзгаришлар йўлини қандай килиб бўлса ҳам тўсиб қўйишга уринганларга қарши машаққатли кураш олиб борилганлиги ёдимизда. Эски системанинг умуртқа поғонаси синган, ташкилий жиҳатдан пароканда бўлса ҳам, қўлидаги бор нарсани сақлаб тураверди ва олға қараб ҳаракатга ҳалал бераверди.

Шу ҳақда гапирар эканман партиянинг миллионлаб оддий аъзоларини партиявий бюрократиядан ажратиб олишни принцип жиҳатдан муҳим деб ҳисоблайман. Менда имконият пайдо бўлиши биланоқ, яъни 21 августдан бошлаб мен бу ҳақда гапирдим. Кўп миллионли партия аъзоларига ишонганим учун ҳам КПССни тубдан ислоҳ этиш имкониятига, амалда сталинча ташкилот бўлган партияни демократик, замонавий ташкилотга айлантиришга умид боғладим. Тўнтариш бу умидни чиппакка чиқарди. Шунинг учун ҳам, сизга маълумки, мен ўз зиммамдан Бош котиблик вазифасини соқит қилдим ва Марказий Комитетга ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишини таклиф этдим.

Аммо ҳар қалай, фитнанинг рўёбга чиқишига йўл қўйиб берган барча омилларга қарамай, унинг, яъни фитнанинг ҳалокати муқаррар эди. Сўнгги олти йил мобайнида бекорга яшамаган эканмиз. Мамлакат, одамлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, демократик кучлар қамолга етди. Ҳали улар уюшмаган бўлса ҳам, ҳали улар ҳозирча ҳамма масалаларда ҳам бир-бирларини тўла тушунмаган бўлса ҳам, халқ билан биргаликда фитначиларга қақшатқич зарба бердилар. Фитначилар ўз режаларини амалга оширишга нега бу қадар шошилишгани ҳам ҳудди ана шу билан бевосита боғлиқдир. Улар сусткашлик ўлим билан баробар эканлигини тушундилар, чунки Ново-Огарево жараёни, яъни тўққиз плюс бир жараёни вужудга келди. Фақат Марказий Комитет Пленумлари ва Марказий Комитетнинг ўзидагина эмас Олий Кенгашда ҳам бу жараённи барча ҳам тўлалигича қабул қилмади, эндиликда биз буни очиқ-ойдин айтишимиз керак. Шу кунларда буларнинг барчасини эътироф этишимиз лозим бўлади, чунки бутун мамлакат аҳли сиз билан бизга кўз тикиб турибди. Хуллас, фитначилар, Ново-Огарево жараёнининг вужудга келиши, яқин орада Иттифоқ шартномасининг имзоланиши, бозорга ўтишнинг бошланганлиги ва бу ўтишнинг муқаррарлиги, жаҳон миқёсида эса — иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишига имкон яратган Лондондаги «7 плюс 1» кенгаши ўзларининг бошига қандай кулфатлар солишини тушунардилар.

Шундай қилиб, давлат тўнтариши барбод қилинди, янчиб ташланди. Кўчаларга чиқиб, автоматлар ва тўпларнинг «оғзига» тик қараган, эрк ва қонунийликни ҳимоя қилган юз минглаб москваликлардан чексиз миннатдорлигимни яна бир карра изҳор этишни истар эдим. Тўнтаришнинг олдини олишда Борис Николаевич Ельцин, Россия парламенти, Ленинград аҳли ва уларнинг раҳбарлари, Киев аҳли, бошқа республикалар халқларининг позицияси жуда катта роль ўйнади. Фитначилар ўз мурожаатларини нақадар жозибали қилиб кўрсатишга уринишмасин, мамлакат уларни қабул қилмади. Ҳозиргидек жуда мушкул вазиятда одамлар ҳақиқатан ҳам тез ва қатъий ўзгаришлар бўлишини истайдилар, лекин 19 август кунидагига ўхшаш йўл билан эмас. Айни вақтда шундай фитна кўтарилишининг мумкин бўлгани шундан далолат бериб турибдики, биз ҳали ярим йўлда турибмиз ҳамда конституциявий қонунийликка кафолат яратилиши учун сира кечиктириб бўлмайдиган ва ишончли чораларни кўришимиз керак.

Хўш, бундан буён нима қилмоқ керак?

Биринчидан. Иттифоқ шартномасини имзолаш жараёнини дарҳол тиклашни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Фитначилар ушбу ҳужжат белгиланган муддатда имзоланмаслигига эришдилар, бу уларнинг биринчи навбатдаги мақсади эди. Афсуски, ана шу машъум фавқулодда ҳолат комитети деб аталмиш комитетнинг баёноти билан ёнма-ён СССР Олий Кенгаши Раиси Лукьяновнинг ҳам баёноти эълон қилинди. Кейинчалик билишимча мазкур баёнот оммавий ахборот воситалари орқали узлуксиз эълон қилиб турилибди. Шу баёнотда Лукьянов шартнома яроқсиз, уни имзолаб бўлмайди, деб исботлашга уринибди.

Аммо шартнома лойиҳаси Ново-Огарево битими барча қатнашчиларининг манфаатларини инобатга олган. Айрим моддаларни такомиллаштириш мумкин, албатта. Лекин энг муҳими, имзолашга киришишни пайсалга солиб бўлмайди. Мен бу борада Россия Федерацияси раҳбарлари, Ленинграддаги учрашув қатнашчилари, яъни ленинградликлар ва шимоли-ғарбликлар, бошқа республикалар намояндалари нутқларида баён этилган таклифларга қўшиламан. Шартномани такомиллаштириш ёки уни тўлдириш кераклигига қўшиламан, лекин буларни протоколлар, шартномага иловалар шаклида юзага чиқариш мумкин. Шундай қилсак, биз референдумда ўз нфодасини топган халқ хоҳиш-иродаси негизида ҳаракат қилган бўламиз.

Мен қайтиб келганимнинг иккинчи куни, яъни 23 августда 9 республикалар раҳбарлари билан учрашганимда шартномани имзолашга киришиш керак, бу жараённи кечиктириб бўлмайди, деган фикр устувор бўлган эди. Шуни таъкидламоқчиманки, бу ўринда гап Иттифоқимизни тубдан ўзгартиришни якунлаш ҳақида эмас, балки бу ишни бошлаш хусусида бормоқда.

Иккинчидан. Шартномани имзолашни истамаётган республикаларга нисбатан муносабатимизни белгилаб олишимиз лозим. Уларга бу масалани мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилмоғи лозим. Шартнома имзоланганидан кейин Иттифоқдан чиқишни истаган республикалар билан дарҳол амалий музокараларни бошлаш керак бўлади. Тайёргарлик ишини эса ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаш мумкин. Улар билан тузиладиган битимларда қайси миллатга мансублигидан қатъи назар инсон ҳуқуқларига риоя қилинишига зарур кафолотлар қайд этиб қўйилиши зарур. Иттифоқдан ташқарида қолишни истамаган ва кўчиб ўтадиган фуқароларга тавон тўлаш тўғрисидаги масала ҳал этилиши даркор. Ҳарбий ёрдамчи соҳалар тўғрисидаги масалани ҳал этишга тўғри келади, бу ёрдамчи соҳалар битимда белгилаб қўйилган муддат мобайнида ажралиб чиққан у ёки бу республика ҳудудида сақланиши зарур.

Шу билан бирга, барча 15 республиканинг иқтисодий алоқаларни сақлаб қолишдан ҳаётий манфаатдор эканликларини ҳисобга олиб, иқтисодий шартнома тузиш юзасидан ишни дарҳол бошлаш лозим бўлади. (Қарсаклар).

Учинчидан. Янги Конституция амал қила бошлашидан олдинги давр учун мамлакатни бошқаришнинг айрим масалаларини зудлик билан ҳал этиш даркор. Содир бўлган воқеа, ушбу Конституцияни қабул қилинишини кутиб турмай ҳаракат қилишимизни тақозо этади.

Умумхалқ сайловигача бўлган даврга қадар СССР халқ депутатларининг бўлажак съездида мамлакат вице-президентини сайлашдек энг муҳим муаммони ҳал этишимиз керак бўлади. Шу масалалар хусусида биз обдон маслаҳатлашиб олишимиз керак.

23 август куни республика раҳбарлари билан учрашувда боорбў орган бўлиши тўғрисида таклиф айтилган эди, мазкур орган Иттифоқнинг бутун ҳудуди учун бошқарувнинг йирик масалалари юзасидан келишиб олинган қарорлар қабул қилиши мумкин бўлур эди. Шуни таъкидламоқчиманки, бу бошқарувга дахлдордир. Шу мақсад учун ҳозир мавжуд бўлган конституциявий орган, яъни Хавфсизлик кенгашидан фойдаланиш таклиф қилинди. Таркиби жиҳатидан ҳам, ваколати жиҳатидан ҳам мазкур органнинг аҳамиятини кўтариш зарур. Агар унинг таркибига Иттифоқ шартномасини тузишга қарор қилган республикаларнинг раҳбарлари ва Яковлев, Бакатин, Примаков, Собчак, Попов ва ҳозир СССР Президенти аппаратининг раҳбари бўлиб турган Ревенко ўртоқлар кирадиган бўлса, ушбу органнинг аҳамияти ошади.

Республикалар раҳбарларининг розилигини олиб, СССР Вазирлар Маҳкамасини тузишимиз лозим, ҳозирча эса оператив бошқарув учун мен ўртоқ Силаев бошчилигида комитет тузишга қарор қилдим, сизлар бу Фармон билан танишсиз.

Тўртинчидан. Агар СССР Олий Кенгаши ва унинг Раиси қаттиққўллик ва қатъият билан фитначиларнинг йўлини тўсишганида, улар ўз режаларини рўёбга чиқара олмас эдилар. Воқеаларнинг кечиши Олий Кенгашни зудлик билан чақиришни тақозо этган эди. Россия дарҳол шундай қилди ва бу исёнга қаршилик кўрсатишда жуда катта роль ўйнади. Иттифоқ Олий Кенгаши эса ўша пайтда ўзининг Конституциявий ваколатларини амалга ошира олмади. Президиум қаерда эди? Депутатлар қаерда эди? Нима учун улар дарҳол пойтахтга етиб келишмади. Буларни ўйлаб кўриш, ўзига разм солиш, мулоҳаза юритиш лозим бўлади. Сабоқ олиш керак, бу сабоқ фақат маънавий-сиёсий йўсиндагина бўлиб қолмасин. Буни ҳужжатларда қайд этиб қўйиш керак. Мабодо шунга ўхшаш вазият юзага келиб қолса, телеграммаларни ва таклифларни, эълонларни кутиб ўтирмай ҳамма бу ерга, пойтахтга ҳокимият олий органи иш кўрадиган жойга етиб келиши керак.

Буни Конституцияда ёки бошқа бironта қонун ҳужжатида қайд этиб қўйиш лозим. Бу энди бошқа масаладир.

Съезд очилишигача қолган кунларда ким СССР Олий Кенгашининг Раиси бўлиши лозимлиги хусусида обдон ўйлаб кўришни таклиф этаман. Мен ҳамиша бўлганидек ва айниқса ҳозир барча билан маслаҳатлашишга тайёрман.

Биз бирон-бир муносиб номзодни назардан четда қолдирмаслигимиз, шу хусусда бу ерда ҳам, республикалар билан ҳам келишиб олишимиз керак. Ўртамизда тўла ишонч, тўла ҳамжиҳатлик, биз танлаб олган одамлар вазиятга қараб иш тутишларига тўла ишонч бўлмоғи учун шундай қилишимиз керак.

Бешинчидан. Вазиятга баҳо бериш, Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти устидан пухта конституциявий ва жамоат назоратини ишлаб чиқишимиз ҳамда ўрнатишимиз зарур. Бу ўринда теран ўзгаришлар қилиш талаб этилади. Ҳозирнинг ўзида ҳарбий ислоҳот тўғрисидаги қонун устида иш олиб бориш доирасида дарҳол ушбу масалани ажратиб олиб ҳал этиш учун барча ишларни қилиш керак. Кейинчалик у ҳарбий ислоҳот тўғрисидаги қонуннинг таркибий қисми бўлиб қолади. Армияда ихтисослашган мутахассислар хизмат қилишини кучайтиришни назарда тутиб, чамаси ҳарбий ислоҳотни амалга оширишни жадаллаштириш лозим.

Давлат хавфсизлиги комитетини қайтадан тузиш керак. Ўртоқ Бакатинни ушбу комитет раиси этиб тайинлаш тўғрисида мен чиқарган Фармонда матбуотда эълон қилинмаган иккинчи банд борки, ушбу бандда Бакатинга давлат хавфсизлиги бутун тизимини қайтадан тузиш тўғрисида дарҳол таклифларни тавсия этиш топширилган. Давлат хавфсизлиги органларидан Конституцияга зид мақсадларда фойдаланишнинг энг кичик имконияти йўлига ўтиб бўлмас ғов қўйиш керак. Мен Давлат хавфсизлиги комитети қўшинларини СССР Мудофаа вазирлигига ўтказиш ҳақидаги Фармонига қўл қўймоқчиман. Чамаси давлат хавфсизлиги комитети тўғрисидаги қонуннинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, давлат хавфсизлигининг янги концепциясини ишлаб чиқиш ва шу концепция асосида тегишли хизматларни пухта ўйлаб, тез ислоҳ қилиш зарурати бор.

Олтинчидан. Иқтисодий тадбирлар ҳақида гапирмоқчиман. Илгари биз ислоҳотлар йўлидан аста-секин бориш сиёсатини тутган эдик, энди буни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Мен шундай хулосага келдим. Советларнинг бўлажак съездида биргаликда шуни муҳокама қилайлик, зикр этилган воқеалардан кейин биз энди бошқа даврда яшаётганлигимизни ҳисобга олиб, иқтисодий сиёсатнинг асосий масалалари юзасидан жиддий тадбирлар кўрайлик. Ҳамма ишларни биргаликда қилишимиз керак. Назаримда ҳозир шу хусусда батафсил мулоҳазаларни баён этсам, шошма-шошарлик бўлур эди. Аммо шунга қарамай баъзи мулоҳазаларни айтиш масъулиятини зиммамга оламан.

Бу, аввало, эски тузилмалар ва одамлар бозор йўлига қўйган барча сунъий тўсиқларни олиб ташлашдан. тадбиркорликка тўла эрк беришдан, монополизмни, юқоридан туриб мажбур этиш ва тазйиқ кўрсатиш усулларини бартараф этишдан, бозор иқтисодиётининг асосий муассасаларини барпо этишни жадаллаштиришдан иборатдир.

Иқтисодиётни бошқаришнинг оғирлик марказини республикаларга қатъият билан ўтказиш, демак, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги жавобгарликни ҳам улар зиммасига юклаш, лозим бўлади, айни вақтда ягона иқтисодий маконда қонуний тарзда иқтисодий жиҳатдан тартибга солиб туриш вазифалари Иттифоқ зиммасида қолади. РеспубликаларарО иқтисодий комитет ғоясига қайтиш лозим. Кредит-молия сиёсатини тубдан қайта қуриш, бюджет харажатлари ва бюджет камомадини қатъият билан қисқартириш, сўмнинг қадрини кўтариш ва пул муомаласини нормага солиш лозим.

Ерда ишлаш ниятида бўлганларнинг ҳаммасига ер беришга халал бераётган тўсиқларни олиб ташлаш даркор, ер эса бор. Гап ерда эмас, балки ер ислоҳотининг катта одим ташлашида, бу ислоҳотга эркин нафас олиши учун шароит яратиб беришдадир. Бу ўринда бизнинг мададимиз зарур. Кузда ва қишда барча масалаларни ҳал этиш керак. Ҳозир ҳосилни йиғиштириб олиш, уни асраш ва ишларни давом эттириш керак. Кузда ва қишда нималарни ва қандай ҳал этиш керакликини ўйлайдиган одамлар эса бор.

Шундан кейин ташқи иқтисодий соҳа валюта муносабатларини қатъият билан жадаллаштириш ва қайтадан тузиш, пулнинг эркин муомаласига тезроқ ўтиш ва ғарб мамлакатларининг кредитлардан ва улар кўрсатаётган бошқа иқтисодий ёрдамдан (улар бундай ёрдамни кўпайтиришга тайёрдирлар) самарали фойдаланиш. Мен билан суҳбатда ана шу мамлакатларнинг асосий раҳбарлари мамлакатнинг шу кунлардаги аҳволи, халқнинг ўзини тутиши Совет Иттифоқи ислоҳотлар йўлига узилкесил ва қатъият билан ўтганлигига уларни ишонтирганини тасдиқладилар ва улар биз билан ҳамкорликнинг зарурлигини, шу ҳамкорликни кучайтириш, кенгайтириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар.

Яна бир гап, биз ижтимоий сиёсатни сафсатабозликдан, асосланмаган ваъдалардан ва рўёбга чиқмайдиган дастурлардан, иқтисодий ваъдабозликдан ҳоли қилишимиз керак. Диққат-эътиборни бозорга ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш, ишга жойлаштириш, аҳолини, айниқса кам таъминланган аҳолининг турмуш даражасини сақлаб туриш масалаларига, уй-жой масалаларини ва шу кабиларни ҳал этишга қаратишимиз керак.

Биз учун озиқ-овқат ва ёнилғи-энергетика масаласи жуда ўткир бўлиб турибди. Шу хусусда барча республикалар таклифлар тайёрлашган. Ана шу икки йирик йўналиш бўйича масалани ҳал этиш имконияти бор. Шундагина, озиқ-овқат таъминотида узилишларга йўл қўймаслик ҳамда куз ва қишда ёнилғи, энергетика ресурслари билан таъминлаш мумкин бўлади.

Ана шу минбардан фойдаланиб, шу мушкул кезда мен деҳқонларимизга, барча қишлоқ аҳлига, кончилар, нефтчилар, газчилар, энергетикларга ўз иш жойингизда шай бўлиб туринг, ана шу асосий масалаларнинг ечилиши учун ҳамма ишларни қилинг, деб мурожаат этмоқчиман.

Менинг фармоним билан таъсис этилган, Иқтисодиётга оператив раҳбарлик қилиш комитети ўзининг куч-ғайратини, аввало ана шу икки муаммога қаратиши керак. Бу ўринда кўп нарса республикалар ўртасидаги ҳамкорлик даражасига боғлиқдир.

Еттинчидан. Иттифоқ шартномаси имзоланиши биланоқ барча Иттифоқ органлари, шу жумладан Президент сайлови муносабати билан сайлов олди кампаниясини бошлаб юбориши керак.

Назаримда шу кунларда мамлакат бошидан кечирган асосий сабоқлардан келиб чиқадиган тадбирлар ана шулардир. Ана шу тадбирлардан ҳар бирининг аниқравшан мазмуни Олий Кенгашнинг комиссиялари ва комитетларида ва халқ депутатлари съездида пухта, тез, ишбилармонлик билан ва амалий тарзда ишлаб чиқилиши керак.

Бундан ташқари юқорида санаб ўтилган ташкилотлар қонунларнинг ижро этилиши ва қонунларга риоя этилиши юзасидан назорат воситаларини пухта ўйлаб чиқишлари керак. Шу хусусда таклифлар айтилди, булар қўллаб-қувватланиши керак деб ўйлайман.

Ахборотимда айтишим зарур бўлган барча гаплар ана шулардир, бу ахборот фожиали воқеалар изидан тайёрланди.

Ҳозир одамлар биздан ечимлар ва ишларни кутмоқдалар. Назаримда, Олий Кенгаш ва биз ҳаммамиз қонунийлик, тартиб амал қилиши учун ҳамма ишларни қилишимиз керак. Демак. кимки тўнтаришни тайёрлаган ва унда қатнашган бўлса қонунга биноан жазосини олиши, ҳеч ким жавобгарликдан қутилиб қолмаслиги керак. Аммо, иккинчи жиҳатдан, барча демократик кучлар ва бутун халқ қандайдир кучлар ҳозир биз қилаётган барча эзгу ишларни бадном этадиган васвасанинг ўз-ўзидан бошланиб кетиши йўлига ўтишларига йўл қўйиб беришга қаршидирлар, деб ўйлайман. Агар шундай қилинса, кўнгли ғулғулани истаб турган кишиларнинг тегирмонига сув қуйилган бўлур эди.

Шу билан ахборотимни тугатаман.

ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛДИ

СССРнинг бир қанча вазирликлари ва идоралари ғоят муҳимлигини ва аввалги раҳбариятнинг исёнчилар билан амалий ҳамкорлик қилганлиги муносабати билан мазкур вазирликлар ва идораларда вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олиб РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси, мамлакат халқ хўжалигини оператив бошқариш комитети раҳбари И. С. Силаев СССР Президенти билан келишиб, шу муассасаларнинг янги раҳбарияти тайинлангунга қадар уларни бошқариш вазифаларини РСФСР ҳукуматининг тегишли аъзолари ва мансабдор шахслари зиммасига юклади:

СССР Давлат банки — Андрей Викторович **Зверев**

СССР Молия вазирлиги — Игорь Николаевич **Лазарев**

СССР Савдо вазирлиги — Александр Федорович **Хлистов**

СССР Ташқи иқтисодий банки — Валерий Михайлович **Телегин**

СССР Иқтисодиёт ва истиқболни аниқлаш вазирлиги — Евгений Федорович **Сабуров**

СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги — Валерий Александрович **Мангазеев**

СССР Савдо-саноат палатаси — Михаил Васильевич **Курячев**

СССР Вазирлар Маҳкамасининг аппарати — Алла Анатольевна **Захарова**

РСФСР Президентининг Ахборот бўлими.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«НОВОСТИ» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА

«Новости» ахборот агентлиги РСФСР қарамоғига топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1991 йил 26 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Л. П. КРАВЧЕНКОНИ БУТУНИТТИФОҚ ДАВЛАТ ТЕЛЕКЎРСАТУВ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ КОМПАНИЯСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Леонид Петрович **Кравченко** Бутуниттифоқ давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Л. Н. СПИРИДОНОВНИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Лев Николаевич **Спиридонов** Совет Иттифоқи Телеграф агентлигининг Бош директори вазифасидан озод қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

ИТТИФОҚ ПАРЛАМЕНТИНИНГ ЛУКЬЯНОВ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИ

МОСКВА, 27 август. ТАСС. нинг парламентдаги мухбирлари хабар қиладилар:

26 август куни кечқурун СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Анатолий Лукьяновнинг 1991 йил 18-21 август воқеаларида Иттифоқ парламенти раҳбариятининг ролини муҳокама қилиш якунларига қадар СССР Олий Кенгашининг Раиси вазифасини ижро этишини тўхтатиб туришга қарор қилинди. Шу масала юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

А. И. ЛУКЬЯНОВНИНГ СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ ВАЗИФАСИНИ ИЖРО ЭТИШИНИ ТЎХТАТИБ ҚЎЙИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьяновни СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлисларини ва СССР Олий Кенгашининг сессиясини бошқаришдан четлаштириш тўғрисидаги СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 22 август қарорига асосланиб **қарор қилади:**

1. СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори тасдиқлансин ва мажлисларни бошқариш СССР Конституциясининг 111-моддасига биноан палаталарнинг раисларига топширилсин.

2. СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьяновнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризаси ушбу сессия кун тартибининг 3-бандини муҳокама қилиш вақтида кўриб чиқилсин.

3. СССР Олий Кенгаши раҳбариятининг шу йил 18-21 август воқеаларидаги ролини муҳокама қилиш якунларига қадар А. И. Лукьяновнинг СССР Олий Кенгаши Раиси вазифасини ижро этиши тўхтатиб турилсин.

СССР Олий Кенгаши
Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШГА КИРИШИЛГАНЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИГА

ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Пахтакор районидаги «Пахтакор» давлат хўжалиги кадрлар бўлимининг бошлиғи Римма Зокирова ўз кабинетида иш билан машғул эди. Хонага ёшгина йигит кириб келди. Танишдилар. Редакциядан экан. «Менга Зокир ота Санақулов ҳақида маълумот керак, — деди у. — Айтишларича, сиз Зокир ота тўғрисида кўп нарса билармишсиз? У киши ҳақида очерк ёзмоқчиман».

Римма ўйланиб қолди. Нимани ҳам айтардим. Зокир ота шунақа кишики, бир қарашда жуда кўп нарсаларни айтиш мумкиндай кўринсада,.. умуман, ота хўжалик учун ва бу ерда истиқомат қилаётган каттаю кичик аҳоли ҳамда шахсан Римманинг ўзи учун шу қадар кўп яхшилик қилганки, қайси бирини айтишни билмайсан. Ҳозиргача кўпчилик уни фахр билан тилга олади. Ҳануз бирон-бир маслаҳатли иш чиқиб қолса, у кишини йўқлаб уйига боришади.

Римма 1967 йил, комсомол йўлланмаси билан Россиядан «Пахтакор»га келди. Ана шу ерлардаги мактабларнинг бирида унинг опаси ўқитувчилик қиларди. Учрашиб маслаҳатлашди. «Зокир отанинг олдига бор, у киши ёшларга жуда ғамхўр», — деди опаси. Римма идорага келса, директор далага чиқиб кетган экан. Озроқ кутишга тўғри келди. Ниҳоят баланд бўйли, ёши олтмишларга бориб қолган бўлса-да, аммо қарашлари дадил Зокир ота кириб келди. Зокир отанинг кўзларидаги илиқлик Риммага куч-қувват бағишлаб ўрнидан турди. Ҳали гаплашмасдан ишга олишига ишона бошлади.

Ҳол-аҳвол сўраб узоқ суҳбатлашгач:

— Иш кўп, — деди Зокир ота, — баъзан ишлайдиганларни ҳополмай қийналиб кетасан. Айримлар ҳар хил романтик хаёлларда юришади. Аввал бошданоқ ишдан бошқа ҳамма нарсани миядан чиқариш керак.

— Биласизми? — деди Римма мухбирга юзланиб, — Зокир ота жуда яхши одам. Мен ҳали шу вақтгача у кишидай одамни учратмаганман. Бир марта гаплашганингизданоқ апоқ-чапоқ бўлиб қоласиз. У киши ўз одамингизга айланади. Ҳозир мен сизга Зокир отани нуқул мақтаяпман-у лекин мақтовларимни исботлаб беришга тўғриси, ожизман. Зокир ота жуда бағри кенг инсон...

Котиба-машинистка бўлиб иш бошлаганидан бир неча йилча вақт ўтгач Римма кадрлар бўлимининг бошлиғи этиб тайинланганди. Иш кунларининг бирида қизиққонлик қилиб бир киши билан айтишиб қолди. Яхши ҳам Зокир ота келди-ю, икковини яраштириб қўйди. Бўлар-бўлмасга асабийлашмаслик кераклигини тайинлади.

— Ўзи кайфиятим бузилиб турганди-да, — деди Римма хижолат тортиб.

— Йўқ, —деди Зокир ота, — сен энди раҳбарсан. Раҳбар ўз ходимларига энг аввало хулқ-атвори билан ўрнак бўлиши шарт.

Зокир ота бу гапларни қизига насиҳат қилгандай айтди. Римма ҳеч қачон Зокир отанинг бировга бақирганини кўрмаган. Агарда бировдан норози бўлса, ўз хонасига чақириб алоҳида суҳбатлашарди, бошқаларнинг олдида ҳатто панд-насиҳатни ҳам ўзига эп кўрмасди. Шу боисдан ҳар қандай одам албатта Зокир отанинг хонасидан хурсанд бўлиб чиқиб кетарди.

1975 йилнинг охирида Зокир ота пенсияга чиқиб кетаётганда бутун жамоа аҳли йиғлаганди. Ҳозир ҳам эсласа, Риммани кўзларига ёш қуюлиб келаверади.

Римма иш бошлаганидан кейин совхознинг қандай ташкил топганини билди. Ҳатто икки-уч йилгача ичимли сув топилмаган кунлар бўлган экан. Ўшанда баъзи чайқовчилар бир фляга сувни беш сўмдан сотишган. Бир неча йилгача совхоз идораси вагончада жойлашган. Одамлар чодирларда, ертўлаларда, яшашган. Ёзда иссиқ, қишда совуқ. Ҳаммадан чақалоқларга қийин.

Зокир ота бошчилигида хўжалик 1962 йилдаёқ 100 гектар ерга мевали дарахт, 1900 гектарга пахта эккан. Кузда ҳар гектаридан 11 центнердан «оқ олтин» уйишган.

Аммо мухбирга нимани айтиш мумкин?..

Совхоз жамоасининг йиғилиши 2-бўлимнинг шийпонида бошланаётган эди. Бригадир Абдималик Соқиевга мухбирни учраштиришди. Зокир ота тўғрисида билганларини айтиб беришини сўрашди.

— Зокир ота ҳақидами? — бригадир ўйланиб қолди.

У 1963 йили «Пахтакор» совхозига келганди. Оиласи билан аввалига чодирда яшади. Кейин қишда ертўлага кўчиб ўтди. Агар ҳозир шу гапларни айтса, мухбир ишонармикан? Кўринишидан ҳали ёш болага ўхшайди. Яна қим билади. Ахир Қўшработдаги яхшигина ҳовлисини ташлаб келиб, ертўлада яшаганди. Бир йилдан кейин бригадир бўлди. Иккинчи йили далада зангори кемада пахта тераётганди. Кутилмаганда Зокир ота унинг олдига Фидель Кастрони бошлаб келди. У дақиқаларни Абдумалик ҳеч қачон унутмайди. Фидель Кастро жуда яхши, содда, очиққўнгил одам экан. Бир вақти десангиз, машинага ўтириб, пахта тера бошлади. Вақтинча ишдан бўшаб қолган Абдумалик азиз меҳмон шарафига қўлбола палов пиширди. Фидель Кастро, қандайдир арзимас тўртбеш йил ичида қақроқ чўл шунчалар боғу-бостонга айланганига ҳайрон севинч билан боқарди. Абдумалик уни кўрмасдан олдин афсонавий қаҳрамонларга қиёсларди. Қандайлигини ўзича тасаввур этишга уринарди. Бир даврада бўлгач эса — ҳақиқий деҳқон экан, камтарин инсонлардан экан, — деган хулоса чиқарди.

1969 йили Абдумаликнинг бригадаси гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганди. Чигит экишди. Ғўзалар гуркираб ўса бошлади. Шу пайт жала қуйиб берса бўладими? Бу ҳам камлик қилгандай орқасидан дўл бостириб келди-ю, ғўзани бутунлай нобуд этди. Абдумалик йиғлагудай бўлиб, пайкалларни оралаб юраркан, узоқдан унга томон келаётган директорнинг машинасига кўзи тушди. Аммо олдингидек пешвоз чиқадиган ҳолатда эмасди. Зокир ота индамасдан олдига келди. Шу алфозда ёнма-ён юриб пайкалларни оралади. Абдумалик аввал эътибор бермади, кейин директорнинг юзига назар ташлади. Зокир ота ниҳоятда хотиржам эди. Астасекин бу хотиржамлик Абдумаликка ҳам таъсир қила бошлади.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Зокир ота,—пайкалнинг ярмидан кўпроғи яхши, қаров бўлса ривожланиб кетади. Қолганига бошқатдан чигит экамиз. Шундайми? — Зокир ота руҳлантирувчи жилмайиш билан Абдумаликнинг елкасига дўстларча қоқди. — Ҳафа бўлманг. Сиз билан биз бундан бешбаттар қийинчиликларни кўрганмиз-ку. Ишни бошлангларингиз. Икки соатдан кейин чигит келтиришади.

Зокир ота ана шунақа, далда беришни ҳам, ишни юргизишни ҳам яхши биларди. 1971 йили Абдумалик меҳнатлари эвазига Ленин ордени билан тақдирланди. 1973 йилда эса кўксига «Октябрь революцияси» ордени тақилди. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медалига сазовор бўлди. Ҳаммаси Зокир отанинг шарофатидан.

Совхоздан қайтаркан, мухбир Зокир ота Санақуловнинг ҳаёт йўлидан ёзиб олган кўчирмаларига яна бир назар ташлади.

Зокир Санақулов 1933 йили Бухоро педагогика институтини туғаллаб, Андижон областининг Қорасарой қишлоғидаги мактабда ў

МЕН НАВОИЙНИ ТАНИЙМАН!

Турк назмида чу тортиб
мен алам
Айладим ул мамлакатни
як қалам!
(Алишер НАВОИЙ)

Алишер Навоий ким?

Уйга қайтаётсам, кўчамиздаги болалар ўйнайдиган майдончадан Азизжон исмли укажоним югуриб келди.

— Акажон, Сиз Навоийни танийсизми?!

Бир зум не дейишни билмай унинг жавобга илҳақ кўзларига боқдим.

— Йў-ў-қ, — дедим секингина.

— Бизани малим танийдила. Уларда расмлари ҳам бор.

Укамга Алишер Навоий яшаган йиллар, бизгача етиб келган китоблари ҳақида гапириб бердим.

У эса: «Малимимиз айтдилар, кечагина менга атаб шеър ёзибдилар. Фақат Азизжон ёдласин дебдилар, яқинда мактабимизга келар эканлар...» — деди.

— Қанақа шеър экан?!

Йигитликда йиғ илмнинг
махзанин,
Қарилиқ чоғи харж
қилғил они.

Мурғак қалбли укажоним ишини қойил қилиб термулиб турарди.

Менинг эса тилим лол эди. Алишер Навоий ким?!

Бобокалонимизнинг ижодлари билан яқиндан танишмоқчиман. Ўша покиза эътиқодли киши ҳақларида ёзмоқчиман. Қандай бахтли одамлар бор дунёда! Уларнинг бахти шундаки, Навоий, Бобур каби тарихий сиймолар образларини яратишди. Олтинга тенг тарихий даврларни тадқиқ этишади. Улуғ ёзувчимиз Ойбек домла «Навоий» романини ёзишдан олдин бир сандиқ материал йиққан эканлар. Демак, мен ҳам у киши ҳақларида кўпдан-кўп ўқишим керакдир.

Бобокалонимиз қаламига мансуб ва ул зот ҳақларида ёзилган асарларнинг ўзимда борларини алоҳида китоб жавонига тўпладим, тўлиб кетди. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар бериб борган жарида ва рўзномаларни йиғдим, юзта сандиқ камлик қиладигандай...

«Эшакка минг китоб ортганинг билан ақл кирмайди», — деганларидек, ўқиш керак. Тилло суви юритилган, тиллога тенг «Алишер Навоий» ёзувли китобни қўлимга оламан:

«Фасоҳат девонининг ғазал ғаройлари табъ мохзанидин шўрида хол ошиқлар хирмани жонига ўт солғудек бир оташин лаъл назм силкига торта олмағайлар, агар сўз дебочасин ул сониъ жавоҳири ҳамди била мурассаъ қилмағайларким, ишқ аҳлин олмоси лисон шарафи ва ғавҳари баён лутфи била сойир инсоннинг дурратул-тожи қилди.

Субҳоналлоҳу қувал-
алиюл-мутаол,
Ким айлади ишқ баҳрини
маломол.
Инсонни чу анда солди
ғаввос мисол,
Ҳам гавҳари ҳол берди,
ҳам дурри мақол».

Эҳ, ҳали бунақа асарларга тишим ўтмайди...

Рўзномаларда бобомиз ҳақидаги мақолаларни кўздан кечирдим. Бербельс, Н. Маллаев, С. Ғаниева, И. Султон, А. Ҳайитметов, Олим Шарофиддинов, И. Ғафуров, И. Ҳаққулов, М. Ҳасанов, Султонмурод Олим, Нусратулла Жумаев ва бошқа қатор-қатор олимларимизнинг асарларини ўқидим. Навоийни ҳар ким ўзича тушунади, талқин қилади. Навоий — зўр, Навоий — буюк, Навоий — идеал, Навоий — тилимиз асосчиси, Навоий — ғазал мулкининг султони, Навоий — сўз сеҳргари... Эҳ-ҳе, интиҳо бормикан бу ибораларга. Лекин, бу сўзлар уларнинг тушунчаси, уларнинг фикри, талқини.

Жомий Навоий ҳақида ёзиб: «У ҳам агар форсий тилда ёзганида (бошқаларга) сўз айтишга мажол қолмасди», дейди.

«Кечирсин форсийда
ғавҳар терганлар
Дарий тилда дур,
ғазна берганлар
Бунинг тили ҳам
гар ўлганда дарий
Мажолсиз қоларди
уларнинг бари».
(«Жомий ва Навоий»).

Яна «Алишер Навоий» ёзувли китобни қўлимга оламан:

«Ва балоғат бўстонининг чаманороийлари хаёл гулшанидин соҳибжамол маъшуқлар гулбуни хусниға зийнат бергудек бир оташин гул вазн гулдастасиға боғлай олмағайлар, агар калом фиҳрастин ул қодир завоҳири шукри била муламмаъ қилмағайларким, хусн хайлин гулбарги узор боғи ва нариси бемор чароғи била коффайи халойиқ қудратул — айни этти шинав)

Алҳамду лимужидил —
ҳадоё ва ниъам,
Ким кести вужуд боғидин
хорн адам.
Ул боғда ҳар гул ўтиким,
чекти алам
Жон эвини ёрутти,
назар шаъмини ҳам».

Ҳали Навоийни ўқишга ёшман, эндигина йигирмага кирдим. Бобожоним эса етти ёшларида ёзган икки байт ғазалига Лутфий ҳазратлари завқланиб, ўзларининг ўн-ўн икки минг мисра форсий ва туркий тилларда битган асарларини алмаштирмоққа ризо бўлганлар.

Хайриддин Султоновнинг «Ажойиб кунларнинг бирида», деб номланган қиссасини ўқийпман. Асар ҳозирги давримиздаги воқеалар асосида ёзилган. Шунда ҳам ёзувчи ўз персонажлари орқали Навоий ижодига қойил қолади:

«Мана қаранг-а:

Боғ мендек сарғайиб, булбул
менингдек бўлди лол,
Тўтиё мундоқ бўлур бир
гулдин айрилғонға ҳол.
Ердаги яфроғ ғарибу
ҳокисор ар бўлмаса,
Мен кибк не важхдиндур
юзи сориғ ашки ол.
Бу сориғ рухсор уза ҳар
сори ашким ўхшашду
Бир хазонлиғ боғ ичинда
ҳар тараф равшан зилол...

Сездингизми? Сезяпсизми? Нигоҳи қанчалар ўткир, тиниқ экан Навоийнинг! Ахир бу бутун бошли бир куз симфонияси-ку! Рангга кўчирилса ғаройиб манзара бўлади».

Ашурали Жўраевнинг Ботир Зокиров хотирасига бағишланган «Юрак бўронлари» номли қиссасини ўқияпман. Ҳатто ўзбек эстрадасининг асосчиси ҳам тарих деганда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини тушунарди. У бир суҳбатда: «Мен Навоий яратган Мажнунни севаман, шу боис бир сўз ёки ҳаракатда сохталик бўлмаслиги керак... Ҳамма гап ана шу ишқ достонини кўрсатишда», деб айтади.

Машҳур шоирлар асарларини ўқийман:

Ғ. Ғулом:

Беш юз йил янгради
тоғдай Ватанда
Буюк Алишернинг
асри нидоси...

Ҳ. Олимжон:

...Ва Навоий тушиб йўлимга
Фарёд билан ўрнидан турди...

Ойбек:

Асрларга элтиб хаёлни
Баъзан ёркин кўраман чолни.
Нуроний юз, нуроний соқол,
Кўзларида муҳаббат малол.

М. Шайхзода:

Эй ўртоқ Навоий,
зўрсан, йириксан,
Сен тирик шоирсан,
руҳан тириксан...

А. Орипов:

Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер

Ю. Жумаев:

Наҳот Навоийни
билмайсан, Юсуф,
Шеърни Навоийни
билганлар ёзсин.

Ҳозирги кунда Алишер Навоийни ўз асарларига киритмаган ёзувчи, шеърларида акс эттирмаган шоир, илмий ишларида Навоий сўзларидан фойдаланмаган олим, Навоий асарлари ҳақида мунаққид ёзмаган рўзнома, ойнома, борингки, бу инсонни билмаган инсон бормикин дунёда.

Академик Кондрат ёзган эканлар:

«Навоийни бир марта ўқиш етарли эмас, уни қайта-қайта ўқиш керак». Воажаб, қандай қилиб? Бир мартагина ўқиб, ўқиб олсам эди асарларини ўзимни энг бахтли инсон санардим.

* * *

Дарсхонамдаман. Қаршимда буюк сиймонинг суратлари осиғлиқ. Олдимга яна Азизжон югуриб келади:

— Ие, акажон, Сизни ҳам Навоий бобом танийдиларми? Мана расмларини берибдилар-ку?!

— Йўқ, укажон, мен у кишини танийман, танишга интиламан. Зеро, бундай буюк инсонни таниш ҳар бир маърифатли инсоннинг шарафли бурчи.

Улуғбек САТТОРОВ.

ЎН БИРИНЧИ ДИРЕКТОР

ЕКИ АНДИЖОН ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МАЪМУРИЯТИНИНГ ТАДБИРКОРЛАРГА ҒАЙРИТАБИИЙ МУНОСАБАТИ ХУСУСИДА

Ўзгалар қош-қовоғига қараб яшаш, алмисоқдан қолган дастгоҳларда кун ўтса бўлди қабилида ишлаш, пировард натижа тақсимотидаги текисчиликка чидаш осонми? Боз устига ишчининг қўл-оёғи боғлиқ бўлса, ўзи яратган маҳсулотга эгалик қила олмаса. Яъни тер тўкиб ишласа-ю, косаси оқариш ўрнига қарзга ботиб бораверса, бундан ёмони йўқ. Алам қиладигани шундаки, ишчи дастгоҳнинг ҳақиқий хўжайини эмас, у «юқори»нинг буйруғини сўзсиз бажаришга, қўл қовуштириб туришга мажбур.

Андижондаги «СССР 60 йиллиги» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирувчилари ўтган йили оёққа тушов бўлаётган ана шундай эскичасига ишлашдан воз кечиб, мақбул усул — ижарани танладилар. Ўшанда теварак-атрофда бу усулдан чўчиётганлар йўқ эмас эди. Улар очиқдан-очиқ пичинг қилишди:

Подадан аввал чанг чиқариб нима қиласизлар?!

Бирлашма раҳбарлари эса жиловнинг қўлдан чиқиб кетишидан хафсирардилар. Бироқ ғишт қолипдан кўчган, яъни йигирувчилар енг шимариб ишга киришгандилар, энди уларни ортга қайтариш амри маҳол. Шундай бўлса-да, маъмурият чиқмаган жондан умид қабилида йўл тутди:

— Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг нархи 33 миллион сўмдан зиёд туради. Хоҳласанглар, сотиб оласизлар.

Тан олиш керакки, бундай катта маблағ юзасидан дангалчилик қилиб бўлмасди. Қолаверса, дастгоҳлар ўз муддатини ўтаб бўлган эди. Эски машиналарни янгилари ўрнида харид қилиш кимга ёқади дейсиз? Начора?

— Биродарлар, дастгоҳларнинг эскириш баҳосини чиқариб юборайлик, — дегувчи мард топилмади.

Шундай бўлса-да, Андижондаги энг йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида «Туркистон» ип-йигирув ижара корхонаси вужудга келди. Фабрикининг собиқ директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ҳасанбой Мансуров ташаббускорларга бош бўлди. Олдинда, шубҳасиз, машаққатлар, игна билан қудуқ қазишдек оғир синовлар турарди. Депутат ёшларга далда берди:

— Энг муҳими — мустақиллик. Қолгани ўзимизга боғлиқ.

Уша кезларда корхона аҳли фойда ўрнига зарар кўрарди. Гарданида ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлган 7 миллион сўм қарз бор эди.

Фойдаю зиён йигирувчиларнинг зиммасига юклангач, ишга муносабат тубдан ўзгарди. Эътибор беринг-а: қувурдан сув оқиб ётса-да, ҳеч ким парво қилмасди. Чироқ кун бўйи ёниб турса ҳам биров унчалик ачинмасди. Ахир ҳаражат умумий жамғармадан сарфланади. Қолаверса, давлатники деган тушунча айримларнинг онгига ўрнашиб қолган. Энди-чи? Ҳатто тийин ишчининг чўнтагидан кетади. Зарар ҳамённи чақишини корхонадагилар яхши билишади.

Дастлабки ойлар эди, чамаси. Ижарачилар илк бор комбинатга йилнинг биринчи чораги учун 100 минг сўм тўлашдан бош тортдилар. Бирлашмадагилар жиғибийрон. Яхшилик билан иш битмагач, тагдор қилиб кесатишди:

— Чидаганга чиқарган! Буғ билан сувга ҳақ тўламасангизлар, ўзларингдан кўринглар.

— Тушунинглар, — вазиятни юмшатишга уринишди ижарачилар, —биз буғдан фойдаланмаймиз. Ахир бу емаган сомсага пул тўлаш эмасми?

Бирлашмада йиллар давомида харажатни тенг тақсимлаш принципи илдиз отганди. Аслида буғдан пардозловчилар фойдаланишса-ю, йигирувчилар товон тўлашса? Алам қилади-да. Ижарачилар сув бошига хисоблагичлар қўйишганди. Ҳамма нарса ойдинлашди: харажат борйўғи 33 минг сўм экан. Фойда эса ҳамёнга қолди.

Электр токини ажрим қилишда ҳам улар орасидан қора мушук оралади. Аммо рақамлар ўжар бўлади. Бу соҳада оз эмас, 26 минг сўм иқтисод қилинди.

Ижара усули пировардида хотиржамлик кайфиятига барҳам берди. Энг аввало, цехларда, участка ва звеноларда икки томонлама шартнома имзоланди. Йигирувчию тарашловчига дастгоҳ ишлаб чиқариш воситаси сифатида эмас, балки шахсий мулк қилиб биркитилди. Иккинчидан, тартиб-интизом қатъий йўлга қўйилди. Бунга амал қилмаганлардан турли миқдорда жарима ундирилди. Зарарга кимнинг тоқати бор, ахир?

— Ишга нисбатан ҳушёр бўлиб қолгандик, — таъкидлайди 1-тараш цехи бошлиғи Бозорбой Қозоқов. — Агар машина бузилиб қолса, устанинг қачон келиб созлашини кутиб ўтирмасдик, Ўзимиз тиришардик, елиб-югурардик.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Корхонада моторлар жуда тез ишдан чиқади. Уни созлаш учун махсус устаханоларга юборишга лозим. Вақтдан бой берилади. Ортиқча харажатга йўл қўйилади. Нима қилиш керак? Улар узоқ мулоҳазадан кейин корхонанинг ўзида созлаш цехини тикладилар. Натижада қисқа вақт ичида 13 минг сўм тежалди. Эвазига ноёб эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Айримлар буни ўзгача тушуна бошладилар:

— Ижарачилар пулнинг ортидан қувишаяпти, оқибати яхшиликка олиб бормайди!

Ҳасанбой Мансуров суяги меҳнатда қотган, тажрибали мутахассис эмасми, ўзи танлаган йўлдан қайтмади. Аксинча, одамлар билан тил топишди. У ижарага қадар ҳам фабрикага раҳбарлик қиларди. Қайта қуриш шарофати туфайли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони туғилганда вазиятни қўлдан бергиси келмади. Нафсиламбрини айтганда, худди шу корхонада сурункасига ўн йилдан буён ҳар йили раҳбар алмашарди. Ҳ. Мансуров эса ўн биринчиси бўлди.

Ижарага ўтилгач, у ишни инсон омилига эътиборни кучайтиришдан бошлади. Ишчини фақат меҳнат билан ёки яхшигина рағбатлантириш билан овутиб бўлмайди. Қулай шароит, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, унумли ишлаш учун имкон керак. Ошхона хароб аҳволда эди. У сифатли таъмирланди. Чойхона, сартарошхона ва новвойхона қурилди. Кечки смена ишчилари бепул овқат билан таъминланди. Цехларда тартибу озодалик учун кураш бошланди. Ишчиларнинг эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда камёб моллар савдоси йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, меҳнаткаш тақдири хусусида чинакамига қайғурилди.

Ижарачилар яна бир ҳақиқатни, англаб етдилар: ўзларининг валюта ҳисобини очмай туриб, дадил қадам ташлаш мушкул. Жумҳуриятимиз пойтахтида шундай ҳисоб ташкил этилди. Кейин Буюк Британиянинг «Вериман ЛТД» фирмаси билан алоқа ўратилди. Улар бир тонна тола тукига 700 доллар тўлаш мажбуриятини олдилар (Бизда шунча миқдордаги чиқинди 430 сўм туради). Шу мақсадда йилнинг сўнгги чорагида 260 тонна хом ашё жамғарилди. Вагонлар ёлланди. Алоқа битимлари тузилди. Лекин карвон йўлга чиқаётганда жумҳурият Енгил саноат вазирлигидагилар бундай дейишди:

— Хорижга эмас, Россияга юборасизлар!

Ижарачиларнинг бошига тўқмоқ тушгандек бўлди. Улар шартномачилар олдида иложсиз қолдилар. Аслида андижонлик йигирувчилар Туркия, Бельгия, Франция мамлакатлари билан ҳам алоқа қилмоқчи эдилар. Ҳатто Бельгияда «Фарғона» тижорат дўконини очиш кўзланганди. Эзгу ниятлар амалга ошмади.

Буниси ҳолва экан. Маъмурият дабдурустдан ижарачиларнинг фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор чиқарди. Ваҳоланки, 5 йил муддатга шартнома тузилганига энди 9 ой бўлганди. Ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларига чопишга тўғри келди. Шундан сўнг комбинат раҳбарлари ён босиб, ижара тугатилгандан кейингина йигирувчиларга фабрикининг қаддини ростлашига кўмаклашишга ваъда қилдилар. Ноилож қолган янгилик тарафдорлари сулҳ тузишга розилик бердилар. Нега шундай бўлди?

Биринчи сабаб шуки, ўтган йилнинг июнида Андижонда юз берган тартибсизликлар, Ўшдаги нотинчлик оқибатида малакали йигирувчиларнинг аксарияти ўз иш жойини ташлаб кетди. Иккинчидан, янги ишга қабул қилинганларда тажриба йўқ эди. Натижада меҳнат унумдорлиги пасайди. 1-йигирув цехида эса ишчилар етишмаслиги туфайли иш бир сменали бўлиб қолди.

Яқинда ижарачилар фаолиятига барҳам берилган мазкур корхонада бўлдик. Директор вазифасини бажарувчи Исмоилжон Иброҳимов кўнглидаги гапини яшириб ўтирмади:

— Ижара аҳволни оғирлаштириб қўйди. Мавжуд машина-механизмлар қуввати ҳисобга олинмай, узлуксиз ишлатилганлиги оқибатида улар зўриқиб кетди. Жуда кўп нарса бой берилди. Оддийгина мисол, Айрим цехларда ёзда, 39-40 даража иссиқда ишлаш ғоят оғир. Сабаби — совутгичлар ишдан чиққан. Дастлабки кунданоқ 100 минг сўм сарфлаб, вазиятни барқарорлаштиришга эришдик. Янги тараш ва йигирув машиналари ўрнатилаяпти.

Собиқ директор Ҳасанбой Мансуровнинг фикри эса бошқача.

— Дарахтнинг ҳам мева беришини кутадилар, — куюнди у. Фаолиятимизга баҳо беришга ҳали эрта эди. Ўзимизни ўнглаб олмай туриб, оёғимиздан чалишди. Дастгоҳлар масаласига келсак, унинг 72 фоизи аввал бошданоқ янгилашга муҳтож эди. Маъмурият бундан хабардор бўлсада, афсуски, бизга ўгай кўз билан қарашди. Муаммолар ўз вақтида ҳал этилмади.

Ҳозир дастгоҳларнинг ҳаммаси зудлик билан янгиланаяпти. Хориж билан алоқа қилиш мақсадида шартномалар тузилаётир. 680 минг сўм маблағ эвазига малакали операторлар тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Ўз-ўзидан савол туғилади: бу тадбирлар аввалроқ, яъни ижара шароитида ҳам амалга оширилса бўлмасмиди? Бўларди. Афтидан, ижарачиларнинг «ўзбошимча»лиги, мустақиллик йўлидаги «чиранишлари маъмуриятга маъқул келмади чоғи.

Бутун бошли фабрикада бугун битта бўлим — техника назорати бўлими ишчи-хизматчилари ижарада ишламоқдалар. Уларнинг фаолияти янги усулнинг афзаллигини исботламоқда.

— Агар маъмурият ижарачиларни қўллаб-қувватлаганда хатолар ҳам, янглишишлар ҳам содир бўлмасди, — деди ушбу жамоа бошлиғи Абдумажид Пўлатов. — Амалда нима бўлди ўзи? Кўп вақт, имконият қўлдан чиқарилди.

Бироқ истаймизми, истамаймизми, янгича ишлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ижарачилик, давлат мулкига соҳибларча ёндашиш — давр талаби.

Фозилжон ШОДМОНАЛИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида илғорлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу борада ёшлар ташаббускорликни қўлдан беришмаяпти. Улар кекса устозлардан кўп нарса ўрганишмоқда.

СУРАТДА: илғор тўқувчи Муҳаррам Алимова кундалик режаларини 130—150 фоиз адо этмоқда.

Р. ШАМСУТДИНОВ олган сурат.

ҚИШЛОҚНИНГ ТЎҚУВ ЦЕХИ

ШАҲРИСАБЗ районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг Ленинобод қишлоғида гилам тўқиш цехи ишга тушди. Корхонада йигирмадан ортиқ чевар «Навбаҳор», «Беҳзод», «Кўкгумбаз», «Наврўз» сингари гилам турларини тўқишаяпти.

Гиламдўзлар йил охиригача 61 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқчи.

— Цех кенгайиб келгусида йирик гиламчилик фабрикасига айланади, — деди ишбоши Насиба Маҳмудова. — Ишчи кучлари, хом ашё етарли.

Бу қишлоқ аёллари фақат жунданғина эмас, ҳатто пахта толасидан ҳам пишиқ, ранго-ранг гиламлар тўқишаркан. Уларнинг бу соҳадаги тажрибаси кўплаб сифатли, арзон гиламлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАНК УЧУН ЯНГИ БИНО

«ДЎСТЛИК» фирмаси — «Юнитек» совет-швед ҳамкорлик корхонасининг Намангандаги филиали ҳисобланади. Фирмага истеъдодли бинокорлар, иқтидорли меъморлар, ишбилармон мутахассислар йиғилишган. Улар куни кеча Совет ноҳиясидаги 6-микрорайонда «Наманганбанк» кооперативи учун янги муҳташам бино қуриб бердилар. Бинони безашда шарқ ва замонавий меъморчилик усуллари уйғунлаштирилди.

Банк бошқарувининг раиси Мамасоли Убайдуллаевнинг таъкидлашича, бундан кейин ишхона моддий базасини мустаҳкамлаш учун материал-техника таъминотига ҳам, хилма-хил тадбирларни амалга оширишга ҳам имкон туғилди. Энди иш жойларини компьютерлаштиришга ўтишаркан. Бу эса банкка иши тушган буюртмачиларнинг юмушини тез ва соз бажаришга, олиб келаркан.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ЭСИЗ 13 МИЛЛИОН

ЕКИ НОМИ УЛУҒ, СУПРАСИ ҚУРУҚ БЎЛГАН ГЎШТ ЕТИШТИРИШ КОМПЛЕКСИ ҲАҚИДА АЧЧИҚ СЎЗ

Фарғона вилоятида гўшт етиштиришни кўпайтириш, уни саноат асосига кўчириш ниятида Ёзёвон ноҳиясидаги «Целинник» шўро хўжалигида умумий қиймати 13 миллион сўм бўлган комплекс қурилиб, 1989 йилда фойдаланишга топширилган эди. Бу улкан иншоотда ўтган йили 2 минг тонна гўшт етиштириш мўлжалланганди. Лекин амалда бу кўрсаткич бор-йўғи 500 тоннага етди, холос. 1991 йилда эса аҳвол бундан ҳам ташвишли.

Хўш, нега? Балки комплексда кўзда тутилган маҳсулотни етиштириш учун шароит ва имконият етишмас. Йўқ, аксинча. Ҳамма шарт-шароит муҳайё. Аммо шунга қарамай кўзда тутилган мақсадга эришилмаётир.

— Айни пайтда комплексимизда 2700 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Лекин бу оз. Аслида камида 5 минг бош чорва мол боқишга имкониятимиз бор, — дейди комплекс бошлиғи Юсуфжон ака Мамадалиев. — Режа бўйича биз вилоятимиздаги хўжаликлардан 20—30 кунлик бузоқларни сотиб олиб, бўрдоқига боқишимиз лозим. Бир жиҳатдан олганда бу билан хўжаликларни гўшт етиштиришдек машаққатли ишдан халос этамиз. Улар бемалол сутчилик билан шуғулланаверишлари мумкин. Иккинчи томондан комплексимиз ҳам замонавий, ҳам саноат асосига қурилганлиги туфайли бўрдоқига боқиш бизда қулай ва арзонга тушади. Аммо, минг афсуски, бу имкониятдан тўла фойдаланилмаётир. Бунга сабаб хўжаликларнинг бизга ёш бузоқларни сотишмаётгани. Негадир бунга чорвачилик мутахассислари ҳам лоқайд қарашмоқда.

Дарҳақиқат. Ю. Мамадалиевнинг қуюнганича бор. Агар комплекс қувватидан тўла фойдаланилса, бир йўла 10 минг бош қорамол боқиш мумкин. У ерда шунга яраша озуқа базаси ҳам бор. Бу йил ўзлаштириб, озуқа етиштириш учун яна 400 гектар қўриқ ер ажратиб берилди. Булар яхши ниятда амалга оширилаётган эзгу ишлар. Аммо ҳозирча катта самаралар бериши мумкин бўлган йирик иншоот унинг имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганлиги туфайли номи улуғу супраси қуруқ бўлиб турибди. Бу эса гўшт етиштиришни кўпайтиришга ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ эҳтиёж сезилаётган шу кунларда кечирилмас ҳолдир. Бас шундай экан, Фарғона вилоятининг масъул раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб, комплексни тўла қувват билан ишлашини таъминлашлари лозим.



СУРАТДА: 13 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилиб, етарли фойдаланилмаётган гўшт етиштириш саноат комплексининг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ. Муаллиф олган сурат.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

„ХАЛҚ СЎЗИ“ (нашр номи) 64608 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64608 (нашр кўрсаткичи)

„ХАЛҚ СЎЗИ“ (нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сони
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна қилиш давом этмоқда. «ХАЛҚ СЎЗИ» рўзномаси учун ҳам обуна барча алоқа бўлимларида 1 августдан бошлаб қабул қилинмоқда.

Рўзноманинг бир йиллик обуна баҳоси 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Қадрдон рўзномангиз — «ХАЛҚ СЎЗИ»га обуна бўлишни унутманг!

МУАЛЛИМ МАЪНАВИЯТИ

Мунозарага чорлов

Халқ маорифи соҳасида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Энг биринчиси — мактабларда амалий иш ўрнига қоғозбозлик, гапчинозлик ва ҳайбаракаллачилик авж олиб бормоқда.

Мен «Ёш куч» ойномасида ёритилган бир мақолада тажрибали ўқитувчилардан конспект талаб қилинмаслиги ҳақида ўқиб қолдим. Лекин неча йил ишлаган муаллим тажрибали ҳисобланади? Ҳозир кўп мактабларда 30 йил ишлаган ўқитувчилардан ҳам конспект талаб қилинади. Москва мактаблари янги программага кўчган бир пайтда, аниқроғи, 1971 йили бизда ҳам шу программага ўтишга фармон берилди. Фан-техника ривожланиб, болаларнинг билими ошиб-тошиб кетган эмиш. Ҳолбуки, ўшанда бизнинг ўқувчиларимиз далаларда қолган пахтанинг сўнгги граммларини териб, дала бошига гўнг чиқаришарди, куз тупроғини ялашарди. Бу программага тўлиқ ўтиб улгурмай, 1984 йилда яна мактаб ислоҳоти ўтказилди.

Аҳолиси иттифоққа нисбатан уч баравар тез кўпаяётган, 70 фоиздан ортиқ мактаблар икки сменада, ҳатто уч сменалаб ўқиётган республикамиз шароитида ислоҳотни ўтказиш нақадар оғир кечганлигини тасаввур эта оласизми? Маблағлар янги мактаблар қуришга сарфланиб, кейин ислоҳот ўтказилса, нур устига аъло нур бўлмасмиди? Ахир, эшак минган бечорани машина билан баравар чопасан, деб қисташ инсофданми?

Биз ҳозир она тили ва адабиётини янги программанинг лойиҳаси бўйича ўқитмоқдамиз. Тўғри, бу аввалгиларга қараганда анча мукаммал. Лекин программа материаллари на қўлланмада, на дарсликда бор. Уларни топиб, ўқувчига дарс ўтиш игна билан қудуқ қазишдан ҳам қийин. Бунинг устига мавзуларда яна аввалгидек асарнинг маънавий ва бадиий жиҳатларига эмас, балки кўпроқ унинг ғоявий йўналишига эътибор берилган.

Мен бундан уч йил олдин Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бир ой ўқигандим. Қайта қуриш ва ошкораликнинг халқ маорифига қанчалик таъсир ўтказаётгани ҳақида домлаларимиз бир қатор муҳим маърузалар билан чиқишди. Лекин ўша ерда ҳам демократиянинг мактабга ва ўқитувчига таъсири масаласи жуда юзаки ёритилди. Айниқса ўқитувчи ёздирган бир соатлик дарс конспекти бизни сира қаноатлантирмади. Мана, ўша конспект:

I. Дарснинг темаси. «Гапда эгалик қўшимчаси». Энди рим рақами билан II дарснинг мақсади ёзилади. Ахир, дарснинг биринчи мақсади ўқувчига шу мавзуни яхшилаб тушунтириш ва тарбиянинг барча принциплари асосида тарбиялаш-ку! Икки карра иккидек аниқ ҳақиқатни ҳар бир дарсда ёзиш шартми?

II. Дарснинг жиҳози. Бу бандга дарсда фойдаланиладиган кўргазмали қуроллар, техника воситалари, дарслик номидан тортиб, методик адабиётларгача ёзилади. Бу кимга керак? Албатта, илмий бўлим мудирига ёки бирор текширувчига кўрсатиш учун-да.

III. Дарснинг борриши. Бир дарсда бир неча усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин яна ахборот учун «замонавий методлардан фойдаланилади», деб ёзиб қўйилади.

IV. Дарснинг борриши. Энди дарс моментлари араб рақамларига бўлиб ёзилади.

1. Ташкилий момент. Бу пунктга саломлашишдан тортиб, то «ўтир», «тур!» деган сўзларгача ёзилади. Менимча, бу мутлақо керакмас.

2. Ўтган дарсни такрорлаш. Бу пунктга ўтилган тема юзасидан бериладиган саволлар ёзилади. Дарс давомида ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг ўзлари бир-бирларига 8—10 талаб савол беришлари мумкин. Саволлардан 3—4 таси ахборот учун ёзилади.

3. Янги теманинг баёни... Шунча кераксиз нарсаларни ёзган ўқитувчи зарур жойга келганда тоқати тугаб, асаблари чарчайди ва бу ёғини қисқароқ қилади. Яна рим рақами билан тартиб номерига ўтамиз.

V. Янги темани мустаҳкамлаш. Бу бандга ҳам саволлар ёзиш керак бўлади.

VI. Баҳолаш ва изоҳлаш. Кимни баҳолайсиз, қандай баҳолайсиз? Бу ҳали номаълум. Лекин бари-бир ёзиб қўйиш керак.

VII. Уйга бериладиган вазифа. Мен бу бандни керак, деб ҳисоблайман.

Умуман конспект ёзилмасин, демоқчи эмасман. Конспект муаллим билимдонлигининг ҳақиқий кўзгуси бўлиши керак. Юқоридаги тартиб ўқитувчи билимсизлигини ниқоблаш воситаси бўлиб қолади, холос. Бундан кўра конспектта мавзунинг номи, янги дарснинг илмий, кенгайтирилган баёни ва уйга бериладиган вазифа ёзиб қўйилса, яхши эмасми? Муаллимга ўқувчига берган билим, нуқтаи назаридан талаб қўйилмас экан, мактабда қайта қуриш амалга ошмайди.

Маориф раҳбарлари ва мактаб маъмурияти бир нарсани унутмасликлари керак. Қайси мактабда ношуд, ишёқмас, кун ўтарига ишлайдиган ўқитувчи кўп бўлса, унинг қўлида ўқиб, мактабни чор-ночор битирган бола табиийки, оқ-қоранинг фарқига бормайди, эл-юртга яхши хизмат қила олмайди. Халқига муносиб фарзанд бўлолмайди.

Дунёда ҳамма нарсага лоқайд, янгиликни вақтида пайқаб ололмайдиган ва оддий ишни ҳам қилолмайдиган ўқитувчидек жамиятга катта зиён келтираётган кимса бўлмаса керак. Эндиликда ҳамма нарсага қайта қуриш ва ошкоралик нуқтаи назаридан қараш—давр талаби. Ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлашда сифат ва самарадорлик асосий мезон қилиб олиниши, шу асосда яхши ўқитувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, аксинча талабга жавоб бермайдиган, тепса тебранмас, ишёқмас ўқитувчилардан мактабни халос эта бориш лозим.

Мели БОБОҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, методист-ўқитувчи.

Ҳурматли муштарий, сиз ушбу суратдаги гўдак чеҳрасига эътибор беринг. У қўрқувдан йиғлаяптими ёки оғриқ азобидан? Бу болакай чеҳрасида гўё олам мужассамдек туюлади. Бу ширингина гўдакнинг оғриқдан ҳам, қўрқувдан ҳам йиғламаслигини ким ҳам истайди дейсиз. Ушбу оқ халатли опахон — Олмалиқ шаҳридаги болалар шифохонасининг меҳрибон врачи Гулсара Норбоеванинг ҳам тилаги шу.

В. ТЎРАЕВ олган сурат.

Ямин ҚУРБОН

МАСАЛЛАР

ЖЎР

Ўзни сен эр йигит санасанг агар,
Эркингни бил ёринг номуси қадар.
Эркига бефарқлар манглайидир шўр.

* * *

Тўрқовоқ тўрларин чўқий-чўқий Жўр,
Ҳар они кечса-да безгакдек оғир,
Савалган жундайин қилворди охир.
Бой бермай вақтни у қанотланди бот,
Қўнди сўнг баланд том тарновига шод.
Тарновда кўриб, денг, Хўжаси деди:
(Қуш тилин у қув зот билгувчи эди)
«О, менинг сайроқим, не бўлди, не гап,
Кўзингдан чўғ отур мен томон ғазаб!!
Телбалик қилма, қўй, туш аркингга, туш,
Аркини тарк этмиш, айт-чи, қайси қуш!!
Ардоғимдасан-ку, ахир, қишу ёз!»
«Қай қушки, юз тутмиш қарамликка боз,
Қай қуш қарамликда бўлибди шодон!» —
Дея Жўр елди қир оғуши томон.

МУФТИЙ БИЛАН ДАЛЛОЛ

Бир деҳқон тўйида Муфтийни кўриб
Гап қотди Даллол кўз ғўлаги бўртиб:
«Ў-ў, мана, бу тўйга келибсиз, тақсир!
Билсак бўларми: сабаби надир,
Биз тўйга чорласак, бормайсиз асло?!»
«Ейлгиним, гувоҳдир замину само,
Тер тўкмай пул топмак ишингиз қар дам,
Шу пулдан тўйдаги таомингиз ҳам.
Гар ундан бир чимдим тотинсамми, о,
Аллоҳнинг олдида юзимдир қаро.
Сабабки, сиз қўйган ҳар луқма таом
Ола зоғ гўштидек ҳаромдир, ҳаром;
Ҳаромдир бемеҳнат келса бурда нон,
Ҳаром у бўлса гар кимда пок имон!»

ҚАШҚИР ВА АЙҒИР

Қашқир денг, Айғирга келиб қолди дуч,
Айғирки, ҳар мўйи туёқ каби қурч.
Қашқир баҳорин нақ эгаллади куз,
Бўзарди қиш куни ютган каби муз.
Бу ҳолдан ненидир уқди-да Айғир,
Кишнади онадан қолгандек сағир:
«Бай-бай-бай, оғриди — ўртаяпти жон!!!
Бу, балки ким билсин, ўлимдан нишон».
«Ҳмм, қани оғриган ерингни кўрсат.
Эмини топсам гар, қочгувсидир дард», —
Дея ялқотланди Айғирга Қашқир.
«Кирмиш товонимга қандайдир чўғир.
Кўзга чўп тушгандек қийнаяпти хўб,
Жонимни хамирдек ийлаяпти хўб,
Яхшиям кўриниб қолдинг, биродар,
Яхшидан қоронғи дилда тонг отар.
Мана, ўх, туёғим кўтарай, боқ, боқ!
Суғуриб ташла, ўх, қурғурни тезроқ!!!»
Туёққа Қашқир тез боқди, искади,
Аслан йўқ чўғирни топмоқ истади.
Узилган резиндек силтангач туёқ,
Қашқир тил тишлабон ошди умбалоқ.

* * *

Дўстим, ёв ҳушёрдир, бамисоли қузғун,
Гар зафар истасанг, тур ундан устун.

ҚАРИЛИК ДОРИСИ

Шифокор сўради келгани ҳамон:
«Хўш, қани, арзиҳол надир, онахон!»
Кампиршо уҳ тортди ҳолидан нолиб,
Уҳ тортди сурмали кўзлари ёниб:
«Айланай, шу дейман, қувватим йўқроқ,
Бўлиб қолгандайин иликларим қоқ.
Ҳаво булутланса, айланиб каллам,
Ачиган хамирдай бўшашар танам.
Кўзим қурғур ҳам оқсагангина,
Ёғи товсилган бир чироқдай хира.
Хунобим ошар гоҳ дилим сиқилиб,
Игнанинг кўзидан ўтказолмай ип.
Ахир, тарс ёрилиб кетаман, болам,
Бирор иш билан сал куймаланмасам,
Мен тенгилар ҳали калтакдеккина,
Пайкалда барқ урган палакдеккина.
Мен эсам, о, бот-бот ташлаяпман тоб,
Қаърига тортяпти бамисоли гирдоб».
«Қарилик, онажон, қарилик — бари,
Мучалар нурайди қариган сари.
На чора, бергумдир зўр-зўр дорилар,
Дорики, кучи ҳар дардни совурар.
Етмас қариликка қуввати бироқ,
Дарё қаршисида ожиздек ирмоқ.
Қарилик дориси, хоҳ эрта, хоҳ шом,
Дўстлар дийдорию ҳаззатли таом!»

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели албатта бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби; исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ—Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

САҲИФАДА:

- ХАЛҚ ТАЪЛИМИ: ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР
- ОБУНАЧИ НЕГА РАНЖИЯПТИ?
- БЕШМЕРГАНЛИКЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК
- ШИФОКОР МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

БУ ҲАМ ЮЛҒИЧЛИК-КУ!

Луқма

1991 йил учун «Халқ сўзи»га обуна бўлгандим. 1 майга қадар рўзномани олиб турдим, сўнгра тўхтаб қолди. Хат ташувчидан сабабини сўраганимда, ярим йил учун обуна бўлганимни писанда қилди. Ҳолбуки, қўлимда қоғозим бор, унда бир йилга ёзилганим қайд қилинган (мазкур ҳужжатни эътиборингизга юбораяпман.).

14 июнь куни район «Союзпечать» бошлиғига ёзма равишда мурожаат қилдим, лекин ҳалигача «Халқ сўзи»дан дарак йўқ. Обуначиларга шундай муносабатда бўлиш инсофданми? Қўлинг билан пул тўлаб, оёғинг билан югуриб юрсанг, алам қилар экан.

Н. БЕКНАЗАРОВ,
Самарқанд вилояти Пахтачи районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги.

ТАҲРИРИЯТДАН: келаси йил учун нашрларга ёзилиш қизғин давом этаётган паллада муштариймиздан келган хат бизни ўйлантириб қўйди. Агар сотувчи харидор ҳақидан 5 тийин уриб қолса, уни юлғичликда айблаймиз, автобус ҳайдовчиси пул олиб чипта бермаса, нақд ўғрига чиқариб қўямиз. Ҳозирги шароитда оила бюджетидан чегириб, обуна бўлган кишининг нашри баъзи совуққон ва беғам мутасаддилар айби туфайли ўз эгасига етиб бормаса, қараб туриш керакми! Бу саволга вилоят «Союзпечать» раҳбарлари қандай жавоб беришаркин!

МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

ҚИЗИЛТЕПАДАГИ «Дўстлик» стадионида қишлоқ хотин-қизларининг XVI анъанавий вилоят спартакиадаси бўлиб ўтди. Иштирокчилар волейбол, шахмат ва шашка, стол тенниси бўйича баҳслашдилар. Қизғин курашда ўтган мусобақаларда қизилтепаликлар совринли ўринларни эгаллашди.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САВДОДА СОПОЛ БУЮМЛАР

ВОБКЕНТ район маҳаллий саноат комбинатида бундан бир неча ой илгари кулолчилик цехи очилган эди. Яқинда кичик корхона ишчилари сополдан ясалган коса, чойнак, пиёла сингари рўзғор буюмларини тайёрлашга киришдилар. Ҳозир ҳафтада бир неча минг сўмлик маҳсулот савдо тармоқларига жўнатилмоқда.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ШИФОХОНА

ШОВОТ районидаги Бешмерган қишлоғида янги шифохона фойдаланишга топширилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга мўлжалланган бу масканда ички касалликлар, нафас йўллари, жарроҳлик хасталиклари билан оғриганлар даволанишмоқда. Шифохона 150 ўринли. Хизмат қилаётган табобат ходимлари электр қуввати, лазер нури, балчиқ билан даволаш усулларини кимёвий дориларидан афзал билишаяпти.

Н. РАЖАБОВ.

Қонун ва фуқаро

АМАЛИЙ ҲАРАКАТ КЕРАК

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида ОИТС (СПИД) билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида қабул қилинган қонун республикамиз аҳолисининг саломатлиги ва келажак авлод ҳақида қайғуришнинг ёрқин мисолидир.

Жамиятимиз оғир иқтисодий ва ижтимоий инқирозни бошидан кечираётган бир пайтда бундай қонуннинг таъсис этилиши айни муддаодир. Чунки азалдан ижтимоий ва иқтисодий тангликлар пайтида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон кўпчилик одамлар учун бошпана вазифасини ўтаб келган, натижада Иттифоқнинг кўплаб минтақаларидан турли тоифадаги одамлар «Ўрта Осиё Тошкент — нон шаҳри» дея оқиб келабошлашган. Ана шу аҳолининг интенсив ҳаракати жараёнида кўпгина юқумли касалликлар тарқалиши ҳам кузатилган.

ОИТС бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётган бир вақтда бундай миграцион жараён республикамиз аҳолиси учун тузатиб бўлмас оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. ОИТС касаллиги айнан маънавий бузуқ тоифадаги одамлар: яъни фоҳишалар ва бесоқоллар воситасида тарқалади. Жумҳуриятимизнинг йирик шаҳарларига, айниқса Тошкент шаҳрига «бошпана» излаб ташриф буюраётган дайди фоҳишалар маънавий бузуқчиликни ўргатиш билан биргаликда тери-таносил касалликлари тарқалишига сабабчи бўлмоқдалар. Оний лаззат харидорлари захм, сўзак, трихомонада ва зурриётга таъсир қилувчи бошқа юқумли касалликлар билан биргаликда ОИТС касаллигини юқтирмасликларига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бу дард аввало жамиятнинг ишга яроқли ёш қисмини жароҳатлайди ва у билан касалланган ҳар бир одамнинг ҳаёти муқаррар ўлим билан тугайди. Чунки бу хасталик бедаводир. ОИТСнинг ўн йиллик тарихида, жумладан Африка ва Америка мамлакатларининг кўпгина миллат ва элатлари йўқ бўлиб кетишдек хавф остида туришибди. Ғарбнинг «ибратли» урф-одатларига кўр-кўрона тақлид қилаётган айрим тоифадаги фуқаролар ўз хатти-ҳаракатлари билан миллатимизни, жамиятимизни маънавий тубанлик ва бешафқат ўлим қучоғига етакламоқдалар.

Фикримизча, ушбу қонуннинг қабул қилиниши турли минтақалардан «чойчақа» ишлаб олиш мақсадида оқиб келаётган келгинди, маънавий бузуқ, фоҳишалар йўлига жиддий тўсиқ бўлади. Айниқса қонуннинг 12-моддаси билан ЎзССРнинг 1959 йил 21 майда қабул қилинган ЎзССР жиноят мажмуаси 101-2, 101-3, 101-4 моддаларига тўлдириш киритилиши ҳар бир фуқаронинг, шунингдек тиббий ходимнинг масъулиятини оширади. Шунингдек, ОИТС билан касалланган ёки вирус ташиб юрувчи шахсларнинг ижтимоий муҳофазаси ва улар билан мулоқотда бўлувчи тиббий ходимларга берилган имтиёзлар қонуннинг ҳуқуқий ва ижтимоий томондан пухта ишланганлигидан далолат беради. Қонун ўз вақтида қабул қилинди, аммо унинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаро, мутасадди ташкилотларга, давлат идоралари ва вазирликларнинг амалий ишларига боғлиқ.

А. АБДУСАТТОРОВ,
республика ОИТС марказининг врач-эпидемиологи.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.

Таҳрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Й. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ҒУЛОМОВА, С. С. ҒУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, А. И. КОВАЛЕВ (масъул котиб), Л. П. ҚАЮМОВ, Тоҳир МАЛИК, М. МУҲАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУҲИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З. Қ. НОРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИДАЕВ, М. РЎЗИМАТОВ, О. Р. САИДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГЕДИН, Ш. ТЕМУРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 5837.
118800 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 24.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12